



ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2003 йил 17 май, шанба

№40 (11.531)

Эркин нархда сотилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Б. Абдураимовга «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони бериш тўғрисида

Миллий спортимизни ривожлантириш, ўзбек футболнинг шуҳратини юксалтириш, иқтидорли ёшларни тарбиялашдаги кўп йиллик самарали хизматлари учун ҳамда туғилган кунининг олтимиш йиллиги муносабати билан Берадар Абдураимовга "Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2003 йил 16 май.

Вилоят ҳокимлигида

ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Халқ хўжалигининг барча тармоқларини тараққий эттириш, аҳоли турмуш даражасини юқори бўлишини таъминлашда, аввало, кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни рағбатлантириш катта аҳамиятга эгадир. Вилоят ҳокимининг қарори билан тасдиқланган ўрта ва кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича вилоят Дастури ҳам шун мақсадга қаратилгандир.

Жорий йилнинг биринчи чорагида мазкур дастурнинг бажарилиши юзасидан қандай ишлар амалга оширилди, бу муҳим соҳадаги ютуқлар ва камчиликлар нималардан иборат, ечимини кутаётган қандай муаммолар бор? Кун кеча вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишда шу масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг ўринбосари Абдуҳамид Йўлдошев бошқарди.

Йиғилишда қайд қилинганидек, шаҳар ва туманларда 905 та янги тузилмалар рўйхатга олиниб, топшириқ 143,4 фоизга бажарилди. Улар саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо ва умумий овқатланиш, қурилиш, маиший хизмат ва бошқа соҳа-

ларга тегишлидир. Бундан ташқари вилоят бўйича жами 2598 та янги якка тартибда фаолият кўрсатадиган тадбиркорлар ҳам рўйхатга олинди.

Лекин, шунга қарамай, дастурда белгиланган айрим кўрсаткичларга эришилмади. Қатор шаҳарлар ва туманларда тадбиркорлик тузилмаларини ривожлантириш топшириқларининг бажарилишида сусткашликка йўл қўйилди. Масалан, Ангрен, Чирчиқ шаҳарлари, Окқўрғон, Бўстонлик, Бўка туманларида янги кичик ва ўрта бизнес корхоналари, микрофирмаларни ташкил қилиш режадагидан кам бўлди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Ҳиммат



«ПЛАСТЕКС»НИНГ ҲИССАСИ

Ушбу суратдаги ёшлар қувончига қаранг, у юз-кўзларида барқ этиб турибди. Зангиота туманидаги 45-ўрта мактаб қизлари «Пластекс» хусусий корхонаси ўз ҳисобидан тақдим этган футбол, баскетбол, волейбол тўпларини катта хурсандчилик ва миннатдорлик билан қабул қилмоқдалар. Корхона маъмурияти мактабда болалар спортини ривожлантиришга шундай йўл билан ҳисса қўшаяпти.

(Давоми 7-бетда).

Луқма

ҲАМОН ЭСКИ «ТАМҒА»МИ?

Мана, мустақил бўлганимизга ҳам ўн икки йил тўлаяпти. Бу давр мобайнида жамиятимиз тубдан янгиланиб, ҳар бир соҳа тараққиёт сари юз тутмоқда. Лекин бугун гап бошқа ҳусусда. Гап шундаки, бир идорага юборилган ташаккурномага босилган муҳр бизни қаттиқ сескантириб, ларзага солди.

Окқўрғон туманидаги Гулистон қишлоқ врачлик пункти ходимлари бир «нома» битиб, юмалоқ муҳрни босиб юборишибди. Унинг марказида «Для больничных листов и рецептов» деган сўзлар битилган. Айлана бўйлаб... «ЎзССР соғлиқни сақлаш Министрлиги... Врачебная амбулат. к-за им. Войтинцева...» сўзлари хошиланган.

Буни қандай тушунмоқ керак? Қачонгача баъзи идоралар йўқолган узангига оёқ тираб юришади?

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ.

Мами Чираков
Худойберган
Исроил
Худойберган

Долзарб мавзу

ТАҲЛИЛДАН ТЎҒРИ ХУЛОСА ЧИҚАРМОҚ КЕРАК

ёки Ангрен шаҳрини 2003 йил биринчи чорагида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунларига бағишланган фаоллар йиғилишидан кейинги ўйлар

Ангрен — ўзининг улкан ишлаб чиқариш салоҳияти, ижтимоий-маданий соҳадаги катта имкониятлари жиҳатидан мамлакатда юқори ўринларни эгаллаб келган шаҳар. У ўзининг бой табиий захираларидан самарали фойдаланиш, йирик саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотлари қувватларини тўлиқ ишга солиш билан республика иқтисодиёти ривожига ҳамиша улкан ҳисса қўшиб келган.

Лекин, афсуски, кейин-

ги йилларда шаҳарнинг деярли барча соҳалардаги маъқайдан путур кетди. Саноат ишлаб чиқариши, қурилиш, коммунал хизмат, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий-маданий, ободонлаштириш, қўйингки, ҳамма тармоқларда депсиниш, ҳатто, орқага кетиш юз берди, бир қатор жиддий муаммолар тўпланиб қолди. Бу ҳол шаҳар фаолларининг 2003 йил биринчи чораги яқунларига ба-

(Давоми 2-бетда).

Истеъмолчи

ТАЪМИНОТДАГИ НОҚОНУНИЙ УЗИЛИШЛАР

ёхуд вилоят шаҳар ва туманларида аҳолига етказиб бериладиган электр қуввати нега меъёридан кўп ўчирилмоқда?

Дастлаб айрим далилларга эътиборни қаратсак: Ангрен шаҳар электр тармоқлари корхонасига истеъмолчилардан тушган шикоят аризалари 2001 йилда 3168 та бўлган бўлса, 2002 йилда 4921 тага етди. Жорий йилнинг дастлабки чорагида бу ҳолатда бирор-бир жиддий ўзгариш бўлгани йўқ.

Ўзбекистон Республикаси «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Қонунининг 4-моддасига кўра, электр қувватини ишлаб чиқариш ва узатиш хизматлари табиий монополия субъектларига кириб, уларнинг фаолияти давлат томонидан тартибга солинади. Шунинг учун «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси тизимидаги Тошкент электр тармоқлари корхоналари ва унинг туман, шаҳарлардаги бўлимлари табиий монополия субъектлари ҳисобланиб, давлат монопол корхоналар реестрига киритилган.

(Давоми 6-бетда).

«Умид ниҳоллари-2003»

БАҲСЛАР ҲАЛИ ОЛДИНДА

Қадимий Хоразм заминида мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари-2003» спорт ўйинларининг республика босқичига старт берилди. Бундай юқори нуфузли мусобақа мамлакатимизда иккинчи бор ўтказилмоқда. Мазкур ўйинларга тайёргарлик чораларида йил давомида шаҳар, туман ва вилоят босқичларида уч хил ёшдаги гуруҳда спортнинг 12 тури бўйича 6 миллионга яқин ўқувчи ёшлар куч сынашди. Финалда иштирок этиш учун Қорақалпоғистон республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан энг кучли, энцил ва қўсаткич ўтган йилги Фарғонада ўтказилган шундай мусобақалардагидан бир яриш баробар кўндир.

Бу йилги спорт ўйинларининг ташкилотчилари Халқ таълими вазирлиги, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Миллий Олимпия қўмитаси, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳамда Хоразм вилояти ҳокимлигидир.

Финал босқичининг бир ярим кунлик натижаларига назар ташлайди-

ган бўлсак, ўғил болалар ўртасида бўлган баскетбол мусобақаларида жамоамиз Қашқадаро терма жамоасига қарши майдонга тушди. Шиддатли ва муросасиз ўтган мусобақалардан сўнг 69:59 ҳисобда қашқадарёлик йигитлар олдинга чиқиб олишди. Спортнинг ушбу тури бўйича вилоятимиз

(Давоми 7-бетда).

Кўрик- танлов

Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги та-
шаббўси билан марказий ис-
тироҳат боғида тоифалан-
ган корхоналар Санитария
дружионаларининг кўрик-
танлови бўлиб ўтди.

ФАВКУЛОДДА ВАЗИЯТ ЮЗ БЕРГАНДА

Уни ўтказишдан кўзланган мақсад фавкулодда вазиятлар юз берганда ёшлар ўзларини қандай тутиши, қандай хатти-ҳаракат қилиши кераклиги ҳамда зудлик билан биринчи ёрдам кўрсатишни ўргатишдан иборат эди. Мусобақа қатнашчилари бешта шарт бўйича ўзаро беллашдилар. Қизлар фавкулодда вазиятлар, зилзила, ёнғин, заҳарли моддалардан заҳарланганда дастлабки тиббий ёрдам кўрсатишни, тиббий асбоб-ускуналардан фойдаланишни кўргазмали чиқишлари орқали кўрсатиб бердилар.

Ўтказилган тадбир вилоят фавкулодда вазиятлар бошқармаси мутахассислари томонидан юқори баҳоланиб, биринчи ўрин «Электркимёсаноат» жамоасига насиб этди.

Ғолибларга «Қизил ярим ой» жамияти Чирчиқ шаҳар бўлими ҳамда саноат корхоналарининг совринлари топширилди.

Гўзал СОЛИЖОНОВА.

Эртага – Кон-металлургия саноати ходимлари куни

ЎЗГАРИШЛАР САМАРАСИ

*«Ўзбекистон металлургия комбинати» очик ҳиссадорлик жамия-
ти жамоаси ўзининг зиммасидаги ниҳоятда масъулияти ва му-
раккаб вазифаларни тўла ҳис қилиб ишламоқда. Бу билан муста-
қил республикаимиз иқтисодиётини ривожлантиришга, турли ме-
талл буюмларига бўлган эҳтиёжини тўла қондиришга муносиб ҳисса
қўшмоқда. Истиқлол йилларида корхонада жуда катта таъки-
лий ва техникавий ўзгаришлар юз берди. Маҳсулот ишлаб чиқа-
риш ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда.*

Мустақиллик йиллари Ўрта Осиёда ягона бўлган бу корхона тарихида ниҳоятда мазмунли из қолдирмоқда. Чунки, республикаимиз Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарорига асосан комбинатни қайта қуриш ишлари жадал бошланиб кетди. Асосий тармоқ ҳисобланган электр билан пўлат эритиш цехини такомиллаштиришга киришилди. Бошқа цехларда ҳам салмоқли ўзгаришлар юз берди.

Ишлаб чиқаришга илғор ва замонавий технологияни, асбоб-ускуналарни жорий қилиш мақсадида қатор хорижий мамлакатлар металлургия саноати тармоқлари билан ҳамкорлик ўрнатилди ва у узвий давом этмоқда. Янги ишлаб чиқаришлар яратилди. Олтин қазиб чиқарувчи, цемент корхоналари учун жуда ҳам зарур бўлган пўлат золдирлар ишлаб чиқариш катта аҳамиятга эга бўлди. Натижада бундай муҳим ва қимматли маҳсулотларни четдан келтириш барҳам топди ҳамда жуда катта ҳажмдаги валютани тежаб қолиш имконияти туғилди. Корхонада



шиша идишлар тайёрланадиган янги цех ишга туширилди. Эҳтиёж кучли бўлган аргон газ тайёрлаш ўзлаштирилди. Илгари бу маҳсулот ҳам валюта ҳисобига четдан келтирилган.

Ҳозирги кунда комбинатнинг етакчи ишлаб чиқариш бўлини-маси бўлган электр билан пўлат эритиш цехи тўла қувват билан

ишлаб турибди. Ҳар ой бу ерда 40 минг тоннагача пўлат эритилмоқда. Ишлаб чиқариш топшириқлари йил сайин ортиги билан адо этиляпти.

Металлургия хўжалик йилини ҳам яхши бошлашди. Ўтган биринчи чоракда 117 минг тоннага яқин пўлат эритдилар. Иш-

лаб чиқарган прокат маҳсулотлари 106 минг тоннадан кўпроқни ташкил этди. 31 минг тоннадан ортиқ пўлат золдирлар буюртмачиларга етказиб берилди. Халқ истеъмол моллари тайёрлашда ҳам яхши кўрсаткичларга эришилди.

Комбинат жамоаси чет эл буюртмаларини вақтида бажаришга алоҳида эътибор бермоқда. Биринчи чорак давомида у анча ортиги билан адо этилди. Унинг сўнгги ойида экспорт қилинган маҳсулот ҳажми назарда тутилганидан 2,5 баробар кўп бўлди.

Металлургия жорий йилда она-Ватанга 466 минг тонна пўлат, 435 минг тонна прокат маҳсулотлари етказиб беришга аҳд қилишган. Айни вақтда кўп миқдорда кенг истеъмол буюмлари тайёрлашни ҳам назарда тутишмоқда. Уларнинг бу юксак меҳнат марраларини муваффақиятли эгаллашларига шубҳа йўқ.

Мирсобир МИРҲАМИДОВ,
Турсунали УСМОНОВ.



СУРАТЛАРДА: (чапдан) корхона ишчилари Собир Усмонов, Бахтиёр Маъмуров, Олим Мадумаров ва Олим Раҳимовлар.

**Даврон АҲМАД олган
суратлар.**

Долзарб мавзу

гишланган йиғилишида ҳам яққол кўзга ташланди. Сўзга чиққанлар асосан йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар, уларнинг келиб чиқиш сабабларига тўхтадилар. Кейинги йилларда ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий соҳалардаги ислохотлар жуда сустречмоқда. Шаҳар ҳокимлигининг фаолиятсизлиги, ислохотлар жараёнини лозим даражада бошқара олмаётгани ҳар соҳада аниқ кўри-ниб турипти. Пировардида шаҳар ҳокимлигининг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий соҳалардаги фаолияти қониқарсиз деб баҳоланди. Биз яқин ўртада у ёки бу шаҳар, тумanning умумий фаолиятига бундай қатъий баҳо берилганини эслай олмаймиз.

Хўш, йиғилиш қатнашчилари нима учун бундай кескин хулоса чиқаришга мажбур бўлдилар? Бу саволга ҳолис ва тўғри жавоб бериш учун шаҳардаги бугунги аҳволни ой-надагидек яққол акс эттириб турган куйидаги рақам ва далилларнинг мағзини чақишга тўғри келади.

Шаҳар корхоналарининг ҳар учтасидан биттаси маҳсулот тайёрлашни камайтириб юборди. Натижада уч ойда 2,8 миллиард сўмлик маҳсулот кам тайёрланди. Бунинг оқибатида 565 миллион сўмлик солиқ ва мажбурий тўловлар тушуми, шунингдек, иш ҳақиға ажратиладиган маблағлар йўқотилди. Бундай орқага кетиш «9-Шахта», «Ўзбекрезинотехника», «Ангрен 4-темир бетон маҳсулотлари заводи», «Облик норада қурилиш материаллари карьери» каби йирик корхоналарда кузатилаётгани айниқса ташвишлидир.

Ангрендек саноат шаҳрида ишлаб чиқариш тармоқларига чет эл сармояларини жалб этиш, техника ва технологияларни янгилаб бориш ҳисобига қувватларни ошириш бора-сида жиддий нуқсонларга йўл қўйилаётганини ҳам тушуниш қийин. Сўнгги уч йилда бор-йўғи бешта корхонага 27,2 миллион сўмлик инвестиция олиб кирилди, ҳолос. Ангрен учун бу арзимас маблағдир, албатта.

Шунингдек, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш бора-сидаги аҳвол ҳам ачинарли. Бу йил 10 та корхонада шундай ишлар олиб борилиши керак эди. Амалда эса 5 та лойиҳа бўйича иш бошланган. Лекин, шу кунга келиб 3 та корхонадаги ишлар тўхтаб қолди. Бунинг натижасида 11 та корхонанинг 7 таси истеъмол бозорига 873 миллион сўмлик истеъмол то-

(Давоми. Боши 1-бетда).

варларини етказиб бермади.

Савдо ва пулли хизмат кўрсатиш соҳасидаги ишлар мутлақо қониқарсиз. Чакана савдо айланмасининг 62 фоизини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдоси ташкил этмоқда. Пулли хизмат кўрсатиш режаси 94,9 фоиз уудаланди. Натижада 20 миллион сўмлик солиқ ва мажбурий тўловлар тушуми, иш ҳақи фондига йўналтирилиши лозим бўлган 15 миллион сўмдан зиёд маблағ йўқотилди.

Ташқи иқтисодий алоқалар соҳасидаги фа-

боришига сабаб бўлаяпти. Чунончи, шу йилнинг ўтган тўрт ойи давомида ана шу қарз миқдори 84,1 миллион сўмга кўпайиб, жами 502,1 миллион сўмга етди.

Шаҳарда таълим-тарбия ишлари ҳам кейинги йилларда орқага кетди. Ўқув юртлари, мактабгача таълим муассасаларидаги аҳвол ташвиш туғдирмоқда. 13-, 64-умумтаълим мактаблари, 9-, 35-, 39-мактабгача таълим муассасалари биноларининг ҳолати, таълим-тарбия шароитлари талабга жавоб бермай қолган. Ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш борасида жиддий муаммолар мавжуд.

Айниқса, вилоятимизда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, янги хиёбон ва ором-

гоҳлар барпо этиш ишларига оммавий тус берилаётган ҳозирги пайтда Ангрен шаҳрининг қиёфаси салбий томонга ўзгариб, санитария ҳолатининг ёмонлашиб бораётгани тушунарли ҳолдир. Кейинги пайтларда шаҳарда тозалик, озодалик, саранжом-саришталikka эътибор берилмай қўйилгани турар-жойларнинг атрофларида, кўча ва йўл ёқаларида ахлатхоналарнинг кўпайиб кетганлигида яққол кўриниб турипти. Бундай хўжасизлик турли касалликларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Ўтган йилнинг ўзида аҳоли томонидан шаҳар шифо масканларига 1,8 миллион марта мурожаат бўлган. Бу рақамни шаҳарнинг 160 минг аҳолисига нисбатан оладиган бўлсак, ҳар бир одам бир йилда ўртача 11 марта хасталанган деган хулосага келиш мумкин.

Йиғилишда иштирок этган вилоят ҳокими Умнат Мирзакулов юқорида келтирилган барча камчилик ва нуқсонларни атрофлича ва чуқур таҳлил қилиб, уларнинг келиб чиқиш сабабларини очиб ташлади. Шаҳар ҳокими ва унинг муайян соҳаларга раҳбарлик қилаётган ўринбосарлари фаолиятига тегишли ва ўринли баҳо берди. Ҳамма жабҳаларда ислохотларни жадаллаштириш ва янада чуқурлаштириш, камчиликларни бартараф этишга қаратилган тавсиялар, йўл-йўриқлар кўрсатилди. Энг муҳими ярим йиллик якунига бағишлаб ўтказиладиган навбатдаги шундай йиғилишда ушбу масалага яна қайтилидиган бўлди. Агар уч ойлик муҳлат ичида шаҳар раҳбарияти ўз шаънларига айтилган очик ва ачиқ танқидлардан, фаолиятсизликларига берилган одилона баҳодан тўғри хулоса чиқармасалар, юқорида келтирилган хато ва камчиликларни бартараф этмасалар уларга ишончсизлик билдирилиши мумкинлиги айтилди.

Абдусамид ЙҮЛДОШЕВ,
Равшан ЁҚУБЖОНОВ,

«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари.

ТАҲЛИЛДАН ТЎҒРИ ХУЛОСА ЧИҚАРМОҚ КЕРАК

**ёки Ангрен шаҳрини 2003 йил биринчи чорагида
ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига
бағишланган фаоллар йиғилишидан кейинги ўйлар**

олият ҳам кейинги пайтларда издан чиқди. Иқтисодий ночор, зарар кўриб ишлаётган корхоналар сони тобора кўпайиб бораёттир. Хусусан, биринчи чоракни 7 та корхона қарий 1,5 миллиард сўм зарар билан якунлади. Иқтисодий ночор корхоналардан 9 тасидаги кредиторлик қарзлари олти ойлик муддатдан ўтган бўлиб, 2,9 миллиард сўмга етди.

Шаҳарда кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш дастурининг ижроси ўлда-жўлда қолиб кетмоқда. Хусусан, бу соҳа учун тижорат банклари ҳисобидан кредит ажратиш режаси 76,2 фоиз бажарилди. Энг ачинарлиси, кичик ва ўрта бизнес субъектлари четга маҳсулот экспорт қилишга мутлақо ҳисса қўшмаяпти.

Аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш тизимида юзага келган аҳвол кўплаб эътирозларга сабаб бўлмоқда. Чунончи, шаҳарни газ билан таъминлаш икки-уч йилдан буён 25 фоиздан ошмаяпти. Газга ёлчимаган аҳоли эса электр қувватидан ноқонуний, яъни меъ-ёрдагидан ортиқча фойдаланишга мажбур бўлмоқда. Бу эса ўз навбатида аҳолининг коммунал хизматлардан қарзи тўхтовсиз ошиб

Қишлоқ янгиликлари

«БОЙҚОЗОН»НИНГ БОЙ АНЪАНАЛАРИ

*«Бойқозон» Паркент тумани-
даги иқтисодий бакувват, ҳар
бир тармоғи йил сайин ривож-
ланиб бораётган хўжалиқдир.
Олинаётган соф фойданинг
каттагина қисми қишлоқда
турли тадбирларни амалга
оширишга сарф этилмоқда.*

Яқинда хўжалиқда бўлганимизда яна бир янгиликнинг устидан чиқдик. Шу йил февраль ойида ташкил этилган қишлоқ спорт клуби ўз фаолиятини бошлади. Хўжалиқда ўтган йили маданий-маиший ишлар амалга ошириладиган мажмуа қурилиши бошланган эди. Қисқа вақт ичида бу қурилиш ниҳоясига етказилди. Мажмуада аҳолига барча турдаги хизмат кўрсатиш тармоқлари – ошхона, чойхона, сартарошхона, соғломлаштириш тармоқлари ишлаб турипти.

Мажмуанинг фойдаланишга топширилиши, айниқса, қишлоқ ёшлари учун катта воқеа бўлди. Бу ердаги спорт клубида футбол, теннис, стол тенниси, волейбол, баскетбол, шахмат-шашка каби 8 тур бўйича тўғарақлар мунтазам ишлаб турипти. Ҳар бирига малакали мураббийлар тайинланди. Уларга хўжалик ҳисобидан маош тўланади. Шунинг учун ҳам тўғарақлар фаол ишламоқда.

Хотира ва Қадрлаш кунинида туманда бўлиб ўтган кураш мусобақасида бу хўжалиқдан етти вазн бўйича полвонлар қатнашди. Белбоғли курашда «Бойқозон» вакиллари совринли ўринларни эгалладилар. Бу хўжалик раҳбарларининг қишлоқда спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантириш юзасидан Президент Фармони ва ҳукумат қарорини ҳаётга изчил татбиқ этиш учун астойдил ҳаракат қилаётганликлари натижасидир.

Носир РИХСИЕВ.

Қонун ва ижро

Ўзбекистонимиз саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантира бориб, ички бозорни сифатли, рақобатбардош, ҳар жиҳатдан қафолатланган маҳсулотлар билан тўлдириш, жаҳон бозорида ўзига муносиб ўрин эгаллаш йўлидан бормоқда. Табиийки, меъёрий ва стандарт андозаларини тўғри белгилаб, уларга оғишмай амал қилмасдан туриб, бу мақсадларга эришиб бўлмайди.

Вилоят Стандартлаштириш ва метрология бошқармаси бошлиғи Темур Раҳимовга мурожаат қилиб, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш жараёнларида стандарт ва метрология талабларига риоя қилиш амалиёти билан қизиқдик.

— Ишлаб чиқариш ва турли хизматларнинг ягона, ҳамма учун мажбурий андозалари — стандартлар, метрологик меъёрларга қатъий амал қилмасдан туриб, ҳеч бир мамлакат барқарор ривожлана олмайди, — деди Темур Абдуллаевич. — Шу боис мамлакатимиз раҳбарияти стандартлаштириш ва метрология хизмати, маҳсулотларни сертификатлаштиришнинг ягона ҳамда изчил тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор билан қармоқда. Эндиликда бизда бу муҳим ишнинг қонунчилик асослари яратилди. Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида», «Метрология тўғрисида», «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида», «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунлари, бошқа қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатлар амал қилаётганлиги фикримизнинг далилидир.

— Вилоятимизда стандартлаштириш ва метрология бошқармаси ташкил этилганига кўп бўлгани йўқ. Табиийки, газетхонларимиз — ҳам ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчилар, ҳам истеъмолчиларни янги маҳкама олдига қўйилган мақсад ва вазифалар ниҳоятда қизиқтиради. Шу хусусда сўзлаб берсангиз?

— Тўғри, бошқармамиз иш бошлаганига беш ой бўляпти. У Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 октябрдаги «Стандартлаштириш, метрология ва маҳсулотлар ҳамда хизматларни сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги 342-қарори асосида ташкил қилинди.

Мутахассисларимиз, мулк шаклидан қатъи назар, барча хўжаликлар, корхоналар ва ташкилотларда, шунингдек, хусусий ва якка тадбиркорлар томонидан стандартлар, метрология ва сертификатлаш соҳасида қонунчилик ҳамда меъёрий талабларга риоя қилиниши устидан давлат назоратини амалга ошира бошладилар. Бунда асосий эътибор маҳсулотларнинг сифати ва рақобатбардошлиги таъминланиши устидан ягона давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилади. Биз бу борада ҳокимият идоралари, хўжалик бирлашмалари, назорат қилувчи идоралар, ҳуқуқий шахслар ва жамоат ташкилотлари билан бевосита ҳамкорликда иш олиб борамиз.

Бир нарсани аниқ англаб олиш керак: мақсадимиз қуруқ назорат қилиш

эмас, балки маҳсулот ишлаб чиқарувчилар, тадбиркор ва ишбилармонларга бир турли маҳсулот ёки хизмат стандартларини ишлаб чиқиш, жорий қилиш ва сифатни таъминлашга кўмаклашишдан иборат. Кейинги жараёнларда эса жорий этилган андозаларга риоя қилиниши устидан давлат назорати олиб борилади. Пировардида халқро стандартлаштириш амалиётидан биз ҳам ўз муносиб ўрнимизни эгаллашимиз керак.

Албатта, жорий этилган стандартлар

ҲАМКОРЛИККА ТАЙЁРМИЗ



нинг талабларига риоя қилмаган, уларни бузаётган хўжалик раҳбарлари тегишли тартибда маъмурий жавобгар бўлишади, шунингдек ҳолатларга қараб ҳуқуқий ва иқтисодий таъсир чоралари ҳам кўрилади.

— Шу қисқа муддат мобайнида вилоятимиз корхона ва хўжаликлари, тадбиркорлик тузилмаларида стандарт талабларига риоя этилиши юзасидан кузатишлар олиб бориладигани аниқ. Айтинг-чи, дастлабки хулосаларингиз қандай?

— Ҳеч шубҳасиз, вилоятимизда тадбиркорликни ривожлантириш борасида катта-катта ишлар қилинаёпти. Мулк шакли турлича бўлган катта-кичик корхоналаримизда ишлаб чиқаришни жамият, давлат ва шахс манфаатларини кўзлаб ташкил этишга эътибор, масъулият сезиларли кучаймоқда. Тадбиркорлар ва ишлаб чиқарувчиларнинг

асосий қисми маҳсулот ёки хизмат сифати фирманинг юз-кўзи, шон-шарафи, иш равақ топишининг асоси эканлигини тобора чуқур англаб етмоқдалар.

Лекин, афсуски, шולי курмаксиз бўлмас экан. Ҳануз ўз фойдасини билмаганлар ҳам сероб. Сўзим қуруқ бўлмаслиги учун айрим рақамларга эътиборингизни қаратмоқчиман. Шу йилнинг биринчи чорагида мутахассисларимиз вилоятимизнинг турли шаҳар ва туманларида фаолият юритаётган 19 та корхонада бўлиб, 71 номдаги маҳсулот, қурилиш материаллари, озиқ-овқатлар, халқ истеъмоли буюмлари, мамлакатимизга олиб келинаётган ва экспорт қилинаётган маҳсулотларни давлат назоратидан ўтказишди. Буни қарангки, шу 19 корхонанинг 18 тасида стандартлар, метрология ва сертификат талаблари бузилаётганлиги аниқланди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ҳар учинчиси меъёрий ҳужжат

рида стандарт талаблари, метрологик меъёрларни бузиш ҳоллари кўп. Сифатсиз, текшириб, сертификатланмаган туз, муддати ўтган ичимликлар билан савдо қилиш ҳоллари айниқса катта ташвиш туғдирмоқда. «Бўка» акциядорлик жамиятида ўтказилган текшириш чоғида эски, муддати ўтган кулупнай ва апельсин шарбатлари, сертификатланмаган туз ва бошқа маҳсулотлар сотилаётганлиги аниқланди. Жамият бошқаруви раиси маъмурий жавобгарликка тортилиб, унга 310 минг сўм жарима солинди.

— Ҳозиргина айтганингиздек, давлат назоратининг асосий мақсади жазолаш эмас, балки, корхона ва ташкилотларда стандарт талабларига риоя қилинишини таъминлашдан иборат. Бошқарма бу борада маҳсулот ишлаб чиқарувчи, хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотларга қандай амалий ёрдам бера олади?

— Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, корхона ва ташкилотларда синов азмойишҳоларининг ўзи талаб даражасида эмас. Улар синов ускуналари, ўлчов воситалари, давлат стандарт намуналари билан таъминланмаган. Уларнинг яроқлилик шаҳодатномалари, қайта қайд қилиш гувоҳномалари вақтида олинмайдилар. Кўп ҳолларда лабораторияларнинг ўзида зарур иш қўлланмалари — меъёрий ҳужжатларни кўрсатишга олмаёпти. Сирасини айтганда, бундай ҳужжатларнинг ўзини ҳали олиб, ўрганиб чиқишмаган.

Бошқармамиз мутахассислари бу нуқсонларни бартараф этиш борасида ҳар жиҳатдан ёрдам кўрсатишлари мумкин. Аввало, бу ёрдам шаҳодат синовларидан ўтиш учун материалларни тайёрлаш, синов лабораторияларини қайта қайд қилдириш, мавжуд меъёрий ҳужжатларни мутахассис текширувидан ўтказиш, маҳсулотларни сертификатлашга тайёрлаш пайтларида тегишли хизмат кўрсатиш жараёнларида намоён бўлиши мумкин.

Кичик, ўрта ва хусусий бизнес учун кенг имкониятлар очилган бугунги шароитларда тадбиркорлар шуни асло унутмасликлари керакки, ҳар қандай маҳсулотни ишлаб чиқаришни ташкил этиш меъёрий ҳужжатлар — техник шартлар, стандартларни ишлаб чиқиш, техник жараёнларни белгилаб олиш ва тасдиқлашдан бошланади. Шу боис стандартлаштириш, метрология, маҳсулот ва хизматларни сертификатлаш тўғрисидаги қонун талабларига риоя қилиш — хусусий тадбиркорлик барқарорлиги ва муваффақиятини таъминловчи етакчи омилдир.

Шуни ҳисобга олиб, айтмоқчи бўлган сўнгги сўзим — биз корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликларнинг хизматига ҳамиша тайёрмиз. Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш бўйича барча маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчилар билан ҳамкорлик қиламиз. Ўзингизни қизиқтирган ҳар қандай саволлар билан бошқармамизга — 46-18-67 ва 144-96-11 телефонлари орқали мурожаат қилишингиз мумкин. Бизнинг манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Форобий кўчаси, 333 А-уй. Малакали мутахассисларимиз барча саволларингизга жавоб бериб, тегишли ёрдамларини кўрсатишади.

Сўхбатдош: Жўрабек МУРОДОВ.

Мутахассислар маслаҳати

БОҒ ВА ТОКЗОРЛАРДАГИ ЮМУШЛАР

**етиштириладиган ҳосилни тўла ва сифатли
сақлаб қолишга қаратилган бўлиши керак**

Бунинг учун кўриладиган тадбирларнинг ўзаги боғ ва токзорларда учраб турадиган ҳар хил касалликларга қарши ўз вақтида кураш олиб боришдан иборат. Гап шундаки, баҳор серёғин келганда мевали дарахтлар ва токзорларда турли касаллик кўзғовчи замбуруғ ва микроорганизмлар фаоллашади. Ундан, айниқса, данакли мева дарахтлари, яъни ўрик, шафтоли, олхўри, гилос, бодом ва бошқа

мевалар жиддий зиён кўради. Туганаклари тўкилади, ҳосил сифатсиз етилади.

Меваларда доғланиш касаллиги пайдо бўлганда барглари қизғиш-кўнғир тусга киради. Доғчалар пайдо бўлади ва улар секин-аста кенгаяди. Барг илматешик бўлиб қолади. Бундай ҳолат меваларда ҳам кузатилади. Доғлар катталашиб, бир-бирига туташиб кетади. Пайдо бўлган ёриқлардан оч сариқ

елим томчилари оқа бошлайди. Кўк новдалар ҳам шу тариқа касалланади. Касалликлар шох-шаббанинг кўпроқ пастки қисмларида кўзга ташланади. Табиийки, бундай ҳолатда ҳосилдорликка кескин патур етади, мевалар кўпинча истеъмолга яроқсиз бўлиб қолади.

Хўш, бундай касалликларга қарши кураш чоралари нималардан иборат?

Шуни унутмаслик керакки, ка-

саллиқни кўзғатувчи замбуруғлар ерга тўкилган барглар ва шохларда қишлайди. Шунинг учун уларни териб олиш зарур.

Бундан ташқари, дарахтларга кузда ёки эрта баҳорда куртаклар бўртишидан олдин 3 фоизли бордо суюқлиги ва ИСО дорисидан тайёрланган суюқликни пуркаш яхши натижа беради. Токларга уншудринг касаллиги кўпроқ зиён етказиши ва баргида пайдо бўлиб, гүбдор рангида кўзга ташланади. Агар мева доналари эрта зарарланган бўлса, ўсишдан тўхтайдилар, буришади ва қуриб қолади. Меваларнинг тўқимаси қотиб қолади.

Антракноз касаллиги узум ҳосилининг кушандасидир. Бу касаллик об-ҳаво иссиқ ва нам келган пайтда авж олиб, ривожланади. Унга қарши кураш чораларидан бири замбуруғлар қишлайдиган ўчоғни йўқотиш ҳисобланади. Токлар кузда ва эрта

баҳорда дориланади. Куртак ривожланишидан олдин эса ИСО (2-5 С) ёки 100 фоизли бордо суюқлиги билан ишлов берилади. Ўсув даврида эса бордонинг 1 фоизли суюқлигидан ёки 1 С ИСО суспензиясидан сепилади. Кўриладиган тадбирлардан энг муҳими токни ўз вақтида ва сифатли қилиб хомтоқ қилишдир.

Мутахассислар тавсияси ва бевосита иштирокида тайёрланган дориларни дарахтларнинг япроқ, шох ва пояларига меъёрида сепиш зарур. Шунингдек, токзорлар агротехника қоидаларига қатъий риоя қилинган ҳолда парварши қилиниши лозим.

С. АЛИМУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон Республикаси

эпителиологлар

жамиятининг раиси.

Ж. ШАРИПОВ,

вилоят

«Қишлоқхўжалиқимё»

давлат акциядорлик

бирлашмаси раиси.

Dushanba

19

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома»
8.45 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.45 «Бир кулишайлик»
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар.
10.05 «Бошиз чавандоз». Бадий фильм.
11.35 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти.
12.05 «Укинч». Хужжатли фильм.
12.30, 17.15 ТВ анонс.
«Болалар сайёраси»: 12.35 1. «Санъат гунчалари».
2. «Олтин тож». Телевизион уйин.

13.25 «Яхшилик». Телешоу.
14.10 Кундузги сеанс: «Улкан балик ови». Бадий фильм.
15.20 «Умид ниҳоллари» спорт уйинлари кундалиги.
15.50 ТВ клип.
16.00 «Камила». Телесериал.
16.30 «Қалб гавҳари». 16.50 «Ким ҳақ?» Телевикторина.
17.20 «Оламга саёҳат».
17.40 Мусикий танаффус.
17.55 ТВ маркет.
18.10 Репортаж.
18.20 Мумтоз наволар.
18.40 «Мулкдор».
19.00 «Бир жиноят изидан».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртакла-

ри.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 2003 йил – Обод маҳалла йили. «Қўпчилик қаторида».
21.25 ТВ клип.
21.35 «Ўзбекистон» каналида илк марта: «Қиш соната-си». Телесериал.
22.45 «Умид ниҳоллари» спорт уйинлари кундалиги.
23.15 «Япония: турмуш тарзи». Хужжатли телесериал премьераси.
23.35 «Ахборот-дайжест».
23.55-24.00 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр тонги.
10.00 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус, Ўй вазифаси, Мультфильм.

10.55 «Давр»-news.
11.15 Жаҳон жуғрофияси.
12.05 Музейлар бўйлаб.
12.25 Болалар экрани: «Дубравка».
13.40 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
14.30 «Рей Брэдбери театри». Сериал.
14.55 ТВ-анонс.
15.00 «Давр» ҳафта ичида.
15.30 Спорт ҳафтано-маси.
15.45 «Ишдаги ишқ». Бадий фильм 1-қисм.
17.10 Кўрсатувлар дастури.
17.15 «Янги авлод» почтаси.
17.30 «Мульттомоша».
17.45 ТВ-анонс.
17.50 Бугуннинг ёшлари.
18.10 Муқаддас бурч.
18.30 Ёшлар овози.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 «Бир ўлкаки».

20.00 Кўхна оҳанглар.
20.10 Қишлоқдаги тенгдошим.
20.30, 21.15, 22.35 Ўзлонлар.
20.35 «Гвадалупе». Телесериал.
21.20 «Меҳр кўзда». Паркентда.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Рей Брэдбери театри». Сериал.
23.10 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: Футбол. Биродар Абдураимов билан учрашув.
0.30 Давр.
0.45-0.50 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканал

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТҲда сериал. «Муҳаббат риштаси».
17.55, 19.10, 21.50 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 Болажонлар экрани.
18.30, 20.00, 21.10, 22.10 «Пойтахт».

Ахборот дастури.
18.50 «Халқ саломатлиги йўлида».
19.30 «Табриқлаймиз-кутлаймиз».
19.45 «Аво-пелс».
20.25 ТТҲда сериал. «Мафтункор аёл».
21.30 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
22.40 Кинонигоҳ.
«Севги мактублари».
00.20-00.25 Хайрли тун, шаҳрим.

«Халқаро» телеканал

16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Вести».
16.50 «Густав Эйфель». Хужжатли фильм.
17.15 «Евроныйос» янгиларлари.
17.25 «Ҳазил кетидан ҳазил». Ҳажвий кўрсатув.
18.00 «Мени кутгил».
19.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеуйин.
20.00 «Время».
20.35 «Кутб ёғдуси»

остида». Бадий фильм. 1-қисм.
21.40 «Бизнес ревью».
21.45 CFI тақдим этади: «Асринг буюк инсонлари».
22.35 «Навирон Айвенго». Бадий фильм.
00.05 «Ахборот» (рус тилида)
00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

16.55гача профилаттика ишлари.

16.55 Дастурнинг очи-лиши. 17.00 «Маърифий дастур».
17.40, 20.45 «Телехамкор».
18.00 «30-канал» кино-оқшом: «Элчи юбор-саммикан...».
19.30 «Ошиқона» мусикий дастури. 19.45 «Рус амазонкалари». Сериал. 21.05 «Клип-совга». Телетабриқнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкин-тойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшом: «По-лиция воқеаси». 23.15 «30-канал»да спорт.

Seshanba

20

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Рангин дунё».
9.20 Эстрада тарона-лари.
9.40 «Қишлоқ ҳақида ўйлар»
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар.
10.05 «Мулкдор».
10.25 «Нозикойим». Бадий фильм.
11.50 Мусикий танаффус.
12.05 «Қўпчилик қаторида».
12.25 ТВ анонс.
12.30 «Талабалар йиллари».
12.50 «Қиш соната-си». Телесериал.
14.10 «Муносабат».
14.35 Кундузги сеанс: «Шарқий экспрессдаги қотиллик». Бадий

фильм. 1-қисм.
15.35 «Умид ниҳоллари» спорт уйинлари кундалиги.
15.55 «Орол дарди – олам дарди». Орол-ни асрашга бағиш-ланган хайрия тадбири.
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 «Баркамол авлод орзуи».
18.30 Бир жуфт кўшиқ.
18.40 «Тафсилот».
19.00 «Ҳаёт синовла-ри».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртакла-ри.
20.15 FCN «Ўзбекис-тон янгиларлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон халқ артистлари.
21.25 «Ўзбекистон» каналида илк маро-

таба: «Қиш соната-си». Телесериал.
22.35 «Солиқ ва биз».
22.50 «Умид ниҳолла-ри» спорт уйинлари кундалиги.
23.20 «Ахборот-дайжест».
23.40-23.45 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Давр»-репортаж.
9.25 «Янги авлод» почтаси.
9.40 Болалар экрани: «Олтин оҳу». Мультфильм.
10.10 Ёшлар овози.
10.30 «Йўлбарс ҳақида ҳақиқат». Хужжатли фильм.
11.20 Муқаддас бурч.
11.40 «Гвадалупе». Телесериал.
12.20 Бугуннинг ёшлари.
12.40 Интерфутбол.
14.20 ТВ-анонс.
14.25 «Рей Брэдбери театри». Сериал.
15.25 Қишлоқдаги тенгдошим.

15.10 «Ишдаги ишқ». Бадий фильм 2-қисм.
16.20 Кўрсатувлар дастури.
16.25 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар, Бахтли болалик.
17.05 «Мульттомоша».
17.20 Солиқ ҳақида сабоқлар.
17.35 Рақслар гулдас-таси.
17.45 «Япониянинг боқий маданияти. Илмий-оммабоп сериал. 5-қисм.
18.05 Автопатрул.
18.25 Ёшлар овози.
18.45 ТВ Бинго анонс.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр»- интер-вью.
19.50 ТВ-анонс.
19.55 Марди майдон.
20.15 Кўхна оҳанглар.
20.25 «Бир ўлкаки».
20.45, 21.30, 22.35 Ўзлонлар.
20.50 «Гвадалупе». Телесериал.
21.35 Кутқарув «050».

21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Рей Брэдбери театри». Сериал.
23.10 «Халпараст-лар». Ҳажвий новел-ла.
23.20 «Ёшлар» телека-налида спорт дасту-ри: 1.Нокаут, 2.Тен-нис.
0.25 Давр.
0.40-0.45 Хайрли тун.

«Тошкент» телеканал

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТҲда сериал. «Муҳаббат риштаси».
17.55, 19.10, 21.45 «Экспресс» телегазе-таси.
18.15 Болажонлар экрани.
18.30, 20.00, 21.10, 22.35 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Спорт ва болалар».
19.30 «Табриқлаймиз-кутлаймиз».
19.45 «Ҳимоя».
20.25 ТТҲда сериал. «Мафтункор аёл».
21.30 «Соғинч».

22.05 «Туризм ҳақида».
23.00 Кинонигоҳ.
«Нозик кўллар».
00.30-00.35 Хайрли тун, шаҳрим!

«Халқаро» телеканал

16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Вести».
16.50 «Мультсеанс».
17.10 «Евроныйос» янгиларлари.
17.25 «Сати». Генна-дий Ҳазанов.
18.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
19.00 «Микрокосмос».
20.00 «Время».
20.40 «Кутб ёғдуси остида». Бадий фильм. 2-қисм.
21.45 «Бизнес ревью».
21.50 «Хроника».
22.00 «Жаҳон рақсла-ри».
22.15 FCN «Ўзбекис-тон янгиларлари» (инглиз тилида)
22.25 «Сайёҳлар эрмаги». Бадий фильм.
23.55 «Ахборот» (рус тилида)

00.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очи-лиши. 9.05, 17.30, 20.45 «Телехамкор».
9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар». Сериал.
10.40 «Маърифий дастур».
11.10 «Тез ёр-дам». Сериал. 12.00 «Ҳали севаман, ҳали умид қиламан». Ме-лодрама. 13.30 «У қотилликни баён этди». Телесериал. 15.00 Телешоу. 16.00 «30-да спорт. 16.50 «Дискавери соати». 18.00 «30-канал» кино-оқшом: «Биллинг байрами». 19.30 «Ошиқона». Мусикий дастур. 19.45 «Рус амазонкалари». Сериал. 21.05 «Клип-сов-га». Телетабриқнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшо-ми: «Қонли ҳавза». 23.15 «Рестлинг титан-лари».

Chorshanba

21

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектеле-фильм» намойиши: «Тошкент Давлат Маданият институ-ти». Премьера.
9.20 «Баркамол авлод орзуи».
9.40 Болалар учун. «Фламинго».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар.
10.05 «Тафсилот».
10.25 «Санников ери». Бадий фильм.
11.55, 12.20, 13.55 ТВ анонс.
12.05 «Солиқ ва биз».
12.25 Ўзбекистон халқ артистлари.
12.45 «Қиш соната-си». Телесериал.
14.10 «Остонаси тиллодан».

14.30 Мусикий танаффус.
14.40 Кундузги сеанс: «Шарқий экспрес-сдаги қотиллик». Бадий фильм. 2-қисм.
15.45 «Ўзлинг намоеён қил». Экран-да – Самарқанд вилояти.
16.05 «Ягона оилада».
«Болалар сайёраси»: 16.35 1. «Қизикарли учрашувлар».
2. «Кувнок шаҳарча». Телемусобақа.
17.35 «Дунёқараш».
17.50 «Уч қурбақа». Мультфильм.
18.10 «Хунарманд».
18.30 Репортаж.
18.35 «Ўзбектеле-фильм» намойиши: «Алишер Навоий». Видеофильм. 1-қисм.
19.05 «Мулкдор».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртакла-ри.

20.15 «Юзма-юз».
20.30 «Ахборот».
21.05 Бевосита мулоқот.
21.45 ТВ клип.
21.55 Ўзбекистон» каналида илк маро-таба: «Камила». Телесериал.
22.25 «Қўшғимиз Сизга армугон».
22.45 «Ахборот-дайжест».
23.05-23.10 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Давр»- интер-вью.
9.50 ТВ-анонс.
9.55 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар, Бахтли болалик.
10.15 Солиқ ҳақида сабоқлар.
10.30 «Япониянинг боқий маданияти. Илмий – оммабоп сериал 5-қисм.
10.50 Тараққиёт уфқлари.
11.10 Ёшлар овози.
11.30 «Гвадалупе».

Телесериал.
12.10 Синфдош.
12.35 «Ёшлар» телека-налида спорт дасту-ри: 1.Нокаут, 2.Теннис.
13.40 «Меҳр кўзда». Паркентда.
14.10 «Ақлдан оздира-диган уйинлар». Сериал.
14.35 Болалар экрани: «Дороти Оз мамла-катида». Мультфильм.
15.00 «Рей Брэдбери театри». Сериал.
15.25 Автопатрул.
15.45 «Учинчи сайё-ра». Маърифий дастури.
16.35 Кўрсатувлар дастури.
16.40 «Янги авлод» студияси: Оқ кабу-тар, Ҳамма нарсани билишни истайман.
17.20 Болажон.
17.35 ТВ-анонс.
17.40 Ёшлар овози.
18.00 «Япониянинг боқий маданияти. Илмий – оммабоп сериал 6-қисм.
18.20 Чемпион сирла-ри.
18.40 Каталог.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 Давр.
19.35 Лабиринт.
20.00 Спорт-лото.
20.10 Кўхна оҳанглар.
20.20 «Бунёдкор» ёшлар телеклуби.
20.40, 21.25, 22.35 Ўзлонлар.
20.45 «Гвадалупе». Телесериал.
21.30 «Умр дафтари» туркумидан: «Ойбек».
Видеофильм 1-қисм.
21.45 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Рей Брэдбери театри». Сериал.
23.10 «Ёшлар» телека-налида спорт дасту-ри: Интерфутбол Танаффус пайтида.
24.00 Давр.
1.00 – 1.05 Хайрли тун.

«Тошкент» телеканал

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТҲда сериал: «Муҳаббат риштаси».
17.55, 19.10, 22.15 «Экспресс» телегазе-таси.
18.15 «Болажонлар экрани».
18.30, 20.00, 21.10, 22.55 «Пойтахт».

ахборот дастури.
18.50 «Мусикий меҳмонхона».
19.30 «Табриқлаймиз-кутлаймиз».
19.45 «Аёл – она, мураббий, раҳбар» телеклуби.
20.25 ТТҲда сериал. «Мафтункор аёл».
21.30 «Янги иқтисод».
22.35 «Ҳамшаҳарлар».
23.20 Кинонигоҳ. «Куз афсонаси».
1.20-1.25 Хайрли тун, шаҳрим.

«Халқаро» телеканал

16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Вести».
16.50 «Хинд оҳангла-ри».
17.10 «Евроныйос» янгиларлари.
17.25 Е. Петросянинн Кулгу панорамаси.
18.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
19.00 «Заиф бўгин».
20.00 «Время».
20.40 «Кутб ёғдуси остида». Бадий фильм. 3-қисм.
21.45 «Бизнес-ревью».
21.50 «Спорт техноло-гияси».

22.10 «Онг». Бадий фильм.
23.45 «Ахборот» (рус тилида)
00.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очи-лиши. 9.05, 17.30, 20.45 «Телехамкор».
9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар» Сериал.
10.40, 16.00 «30-да спорт. 11.10 «Тез ёрдам». Сериал.
12.00 «Ҳар доим ҳам омад келавермайди». Комедия. 13.30 «У қотилликни баён этди». Телесериал. 15.00 Телешоу. 16.50 «Дискавери соати». 18.00 «30-канал» кинооқшом: «Қизил аждаҳо». 19.30 «Ошиқона». Мусикий дастур. 19.45 «Рус амазонкалари». Сериал. 21.05 «Клип-сов-га». Телетабриқнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшо-ми: «Александр Не-вский плашчи». 23.15 Спорт дастури.

Payshanba

22

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
«Болалар сайёраси»: 9.00 1. «Қизикарли учрашувлар».
2. «Кувнок шаҳар-ча». Телемусобақа.

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар.
10.05 «Мулкдор».
10.25 «Куринмас одам». Бадий фильм.
11.55, 13.55, 15.20 ТВ анонс.
12.05 «Оламни асран!»
12.25 «Эртақлар – яхшиликка етаклар».
13.25 «Иқтидор».
Интеллектуал телеуйин.

14.10 «Санъат дўстлиқка чорлай-ди».
14.50 «Мюнхаузеннинг саргузаштлари». Мультфильм.
15.25 «Мохият».
15.45 Мусикий танаффус.
16.00 «Камила». Телесериал.
«Болалар сайёраси»: 16.30 1. «Сехрли ҳарфлар оролчаси».
2. «Бешбармоқ».
Тележурнал.
3. «Қўшигим-жон қўшигим».
18.10 «Сиҳат-саломат-лик».

18.30 «Ўзбектеле-фильм» намойиши: «Алишер Навоий». Видеофильм. 2-қисм.
19.00 «Гиёҳвандлик – аср вабоси».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Оқшом эртакла-ри».
20.15 FCN «Ўзбекис-тон янгиларлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Телемулоқот.
21.45 «Ўзбекистон» каналида илк

маротаба: «Камила». Телесериал.
22.15 «Келин-куёв». Телешоу.
23.05 «Ахборот-дайжест».
23.25-23.30 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» студияси: Оқ кабу-тар, Ҳамма нарсани билишни истайман.
9.55 ТВ-анонс.
10.00 Болажон.
10.15 «Япониянинг

боқий маданияти. Илмий-оммабоп сериал 6-қисм.
10.35 Тафаккур ёлқинлари.
10.50 Спорт китъаси (рус тилида)
11.20 Чемпион сирлари (рус тили-да)
11.40 «Гвадалупе». Телесериал.
12.20 Ёшлар овози.
12.40 Интерфутбол.
14.20 Болалар экра-ни: «Мульттомоша».
14.35 «Рей Брэдбери театри». Сериал.
15.00 Жар ёқасида.
15.15 «Бошқача ҳаёт». Бадий фильм.

16.45 Кўрсатувлар дастури.
16.50 «Янги авлод» студияси: Кичкин-той театри, Бола-лар ташкилоти.
17.30 Оила кўрки.
17.50 «Япониянинг боқий маданияти. Илмий-оммабоп сериал 7-қисм.
18.10 Ракурс.
18.30 Табобат оламида.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» – интервью.
19.50 ТВ-анонс.
19.55 Ёшлар

овози.
20.15 Кўхна оҳанглар.
20.25 Мезон.
20.45, 21.30, 22.35
Эълонлар.
20.50 «Гвадалупе»
телесериал.
21.35 «Умр дафтари»
туркумидан: «Ой-
бек». Видеофильм
2-қисм.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Рей Брэдбери
театри». Сериал.

23.10 «Ёшлар» теле-
каналида спорт
дастури: Интерфут-
бол Танафус
пайтида-
24.00 Давр.
1.00-1.05 Хайрли тун.
**«Тошкент»
телеканал**
17.10 Кўрсатувлар
тартиби.
17.20 ТТҲда сериал.
«Мухаббат ристаси».
17.55, 19.05, 22.00
«Экспресс» телега-
зетаси.

18.15 «Болажонлар
экрани».
18.30, 20.00, 21.10,
22.45 «Пойтахт»
ахборот дастури.
19.00 «Ўзбегим
навоси».
19.30 «Билим» теле-
клуби.
19.45 «Табриклаймиз-
кутлаймиз».
20.25 ТТҲда сериал.
«Мафункор аёл».
21.30 «Саодат кали-
ти».
22.20 «TV плюс».
23.10 Кинонигоҳ.

«Алвасти тоғ томон
қайтиш».
00.35-00.40 Хайрли
тун, шаҳрим.
**«Халқаро»
телеканал**
16.30 Кўрсатувлар
тартиби.
16.35 «Вести».
16.50 «Жонли таби-
ат».
17.05 «Евроњус»
янгиликлари.
17.25 «Биз анойи
эмасмиз». Ҳажвий
кўрсатув.

18.00 «Ишонч ва
муҳаббат замини».
Сериал.
19.00 CFI тақдим
этади: «Цирк».
20.00 «Время».
20.40 «Кутб ёғдуси
остида». Бадий
фильм. 4-қисм.
21.45 «Бизнес ревью».
21.50 «Юқори техно-
логиялар олами».
22.00 «Соккер клуб».
22.20 FCN «Ўзбекис-
тон янгиликлари»
(инглиз тилида)
22.30 «Плезантвиль».

Бадий фильм.
24.00 «Ахборот» (рус
тилида)
00.30 «Тунингиз осуда
бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очи-
лиши. 9.05, 17.30, 20.45
«Телехамкор». 9.30,
14.10 Болалар соати.
10.15 «Пауэр Рейнджерс
ёки кучли рейнджерлар»
янгиликлари. Сериал.
10.40, 16.00
«30-да спорт». 11.10
«Тез ёрдам». Сериал.
12.00 «Муносиб қотил-
лик». Детектив. 13.30 «У

қотилликни баён
этиди». Телесериал.
15.00 Телешоу. 16.50
«Дискавери соати».
18.00 «30-канал» кино-
оқшоми: «Паролни
икки киши билар эди».
19.30 «Ошиқона». Му-
сикий дастур. 19.45
«Рус амазонкалари».
Сериал. 21.05 «Клип-
совға». Телетабрикно-
ма. 21.20 «Хайрли тун,
кичкинтолар!». 21.30
«30-канал» кинооқшо-
ми. «Қотилликка ли-
цензия». 23.15 Спорт
дастури.

Juma

23

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом,
Ўзбекистон».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ
маркет.
8.40 Газеталар
шаҳри.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Сехрли
ҳарфлар оролчаси».
2. «Бешбармоқ».
Тележурнал.
10.00, 12.00, 14.00,
18.00 Янгиликлар.
10.05 «Сехрли
сурат». Бадий
фильм.
11.30 «Сихат-сало-
матлик».
11.50 ТВ клип.
12.05 «Монте Карло-
даги халқаро цирк
фестивали». 1-қисм.
13.00, 13.55, 16.35
ТВ анонс.
13.05 «Мухлис ёхуд
қўшиқ изидан».
13.25 «Олам».
Телеальманах.
14.10 Телемулоқот.

14.50 «Монте Карло-
даги халқаро цирк
фестивали». 2-қисм.
15.45 «Меҳр қолур».
16.05 «Камила».
Телесериал.
«Болалар сайёраси»:
16.40 1. «Болаликнинг
мовий осмони».
2. «Уйла, Изла, Топ!»
Телемусобақа.
17.40 «Нурли манзил-
лар».
18.10 Мумтоз наво-
лар.
18.25 «Ўзингни, ўз
уйингни ўзинг асра!»
18.40 «Ўзбектеле-
фильм» намойиши:
«Абдуҳалиқ Гиждуво-
ний». Премьера.
18.50 «Тафсилот».
19.05 «Хидоят сари».
19.25, 19.55, 20.25,
21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус
тилида)
20.00 «Оқшом эртақ-
лари».
20.15 Бир жуфт
қўшиқ.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Муносабат».

21.35 ТВ клип.
21.45 «Ўзбекистон»
каналида илк маро-
таба: «Камила».
Телесериал.
22.15 «Бойсун баҳо-
ри». Халқаро фольк-
лор фестивали.
23.05 «Ахборот-
дайжест».
23.25-23.30 Ватан
тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар
дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Давр»-интервью.
9.30 ТВ-анонс.
9.35 «Янги авлод»
студияси: Кичкинтой
театри, Болалар
ташқилоти.
10.15 «Япониянинг
боқий маданияти».
Илмий-оммабоп
сериал 7-қисм.
10.35 «Бир ўлкаки».
10.55 Ёшлар овози.
11.15 «Гвадалупе».
Телесериал.
11.55 Болалар экрани:
«Ёнғоқ новдаси».
Мультфильм.
12.15 Ракурс.
12.35 Интерфутбол.
14.15 «Ақлдан оздира-

диган ўйинлар».
Сериал.
14.40 Мезон.
15.00 «Рей Брэдбери
театри». Сериал.
15.25 Оила кўрки.
15.45 ТВ-анонс.
15.50 Кўрсатувлар
дастури.
15.55 Уйна, болажон,
уйна.
16.10 «Янги авлод»
студияси: У ким?, Бу
нима?, Болалар
шеърятти.
16.50 «Мульттомоша».
17.05 Менинг маҳал-
лам.
17.25 «Coscom»
хабарлари.
17.35 «Япониянинг
боқий маданияти».
Илмий-оммабоп
сериал 8-қисм.
17.55 Ҳуқук ва бурч.
18.15 ТВ-анонс.
18.20 ТВ-Бинго
миллионер Телело-
терея.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» нигоҳи.
19.55 Аскар мактубла-
ри.
20.15 ТВ-анонс.
20.20 Кўхна оҳанглар.
20.30 Кишлоқдаги
тенгдошим.

20.50, 21.35, 22.35
Эълонлар.
20.55 «Гвадалупе».
Телесериал.
21.40 «Умр дафтари»
туркумидан: «Ойбек».
Видеофильм 3-қисм.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс ва
тунги тароналар.
22.50 «Рей Брэдбери
театри». Сериал.
23.15 «Ёшлар» телека-
налида спорт дасту-
ри: 1. Ринг қиролла-
ри. 2. Футбол плюс.
0.35 Давр.
0.50-0.55 Хайрли тун.
**«Тошкент»
телеканал**
17.10 Кўрсатувлар
тартиби.
17.20 ТТҲда сериал.
«Мухаббат ристаси».
17.55, 19.10, 21.45
«Экспресс» телегазе-
таси.
18.15 «Навнихол».
18.30, 20.00, 21.10,
22.35 «Пойтахт».
Ахборот дастури.
18.50 «Бурч ва
масъулият».
19.30 «Табриклаймиз-
кутлаймиз».
19.45 «Сухбатдош».

20.25 ТТҲда сериал.
«Мафункор аёл».
21.30 «Эл хизматида».
22.05 «Умр йўлдоши».
23.00 Кинонигоҳ.
00.25-00.30 Хайрли
тун, шаҳрим.
**«Халқаро»
телеканал**
16.30 Кўрсатувлар
тартиби.
16.35 «Вести».
16.50 «Мультсеанс».
17.10 «Евроњус»
янгиликлари.
17.25 Ҳужжатли
фильм.
18.00 «Ишонч ва
муҳаббат замини».
Сериал.
18.50 «Муъжизалар
майдони».
20.00 «Время».
20.35 «Бизнес ревью».
20.40 «Дурдаршан».
21.10 «Услуг».
21.20 «Хит парад».
21.40 «Тунги учра-
шув».
21.55 «Яшаш восита-
си».
22.10 «Тунги навбат-
чилик».
22.20 «Буч Кесседи ва
Санденс Кит».
Бадий фильм.

00.05 «Ахборот» (рус
тилида)
00.35 «Тунингиз
осуда бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очи-
лиши. 9.05, 17.30,
20.45 «Телехамкор».
9.30, 14.10 Болалар
соати. 10.15 «Пауэр
Рейнджерс ёки кучли
рейнджерлар» Сериал.
10.40 «Маърифий
дастур». 11.10 «Тез
ёрдам». Сериал. 12.00
«Французча ёлғон».
Комедия. 13.30 «У
қотилликни баён
этиди». Телесериал.
15.00 Телешоу. 16.00
«30-да спорт». 16.50
«Дискавери соати».
18.00 «30-канал» да
ринг қироллари. 18.50
Юмор дастури. 19.30
«Ошиқона». Мусикий
дастур. 19.45 «Рус
амазонкалари». Сери-
ал. 21.05 «Клип-сов-
ға». Телетабрикнома.
21.20 «Хайрли тун,
кичкинтолар!». 21.30
«30-канал» кинооқшо-
ми. 23.15 Спорт да-
стури.

Shanba

24

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом,
Ўзбекистон».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шаҳри.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Болаликнинг
мовий осмони».
2. «Уйла, Изла, Топ!»
Телемусобақа.
10.00 «Хидоят сари».
10.20 «Музыка ва
театр».
10.40 «Бу турфа
олам».
11.30 «Бойсун баҳо-
ри». Халқаро фольк-
лор фестивали.
12.20 ТВ 1 кинотеат-
ри: «Чаплин».
Бадий фильм. 1-
қисм.
13.20 «Санъатга
баҳишда умр».
13.40 «Чаплин».
Бадий фильм. 2-
қисм.
14.45 «Маърифат».
Телеальманах.
15.05 «Адабий жара-

ён».
15.25 «Ягона оилада».
15.55 «Кувноқлар ва
зукколар».
16.45 «Орзулар
қанотида».
17.00 «Рангин дунё».
17.15 «Бахтимизга
омон бўлинг».
17.35 «Буни умр
дерлар».
17.50 «Ўзбеккино»
тақдим этади:
«Хўқанди латиф».
18.05 «Куйла, ёшли-
гим».
18.25 «Кишлоқ ҳақида
ўйлар».
18.45 «Интеллектуал
ринг». Телеўйин.
19.25, 19.55, 20.25,
21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус
тилида)
20.00 «Оқшом эртақла-
ри».
20.15 FCN «Ўзбекистон
янгиликлари» (инглиз
тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Оталар сўзи -
ақлнинг кўзи».
22.20 «Умид ниҳолла-

ри» спорт ўйинлари
яқунларига доир.
22.40 «Ахборот-
дайжест».
«Тунги ёғду»:
23.00 «Ўзбекистон»
каналида илк марота-
ба: «Хоним ва
қароқчи». Бадий
фильм.
00.15-00.20 Ватан
тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

7.55 Кўрсатувлар
дастури.
8.00 Давр тонги.
9.00 «Давр» нигоҳи.
9.20 «Қалб садолари».
Телефильм.
9.35 «Янги авлод»
студияси: У ким?, Бу
нима?, Болалар
шеърятти.
10.15 «Япониянинг
боқий маданияти».
Илмий-оммабоп
сериал 8-қисм.
10.35 ТВ-анонс.
10.40 Табобат олами-
да.
11.00 Бола тилидан.
11.30 «Гвадалупе».
Телесериал.
12.10 Кутилмаган
меҳмон.
12.30 Ринг қироллари.

13.20 Болалар экрани:
«Садокатли дўстлар».
Мультфильм.
14.55 ТВ-анонс.
15.00 «Чархпалак».
Телевизион бадий
фильм 16-қисм.
15.45 Кўхна оҳанглар.
15.55 Мутуйба.
16.25 Кўрсатувлар
дастури.
16.30 «Янги авлод»
студияси: Бўш
ўтирма, Келинг
танишайлик, Мульт-
фильм.
17.25 «Ёшлар» телека-
налида премьера:
«Коинот». Маърифий
фильм 1-қисм.
18.15 Саломатлик
сирлари.
18.35 Каталог.
18.45 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 Синфдош.
20.20, 21.10, 22.35
Эълонлар.
20.25 «Чархпалак».
Телевизион бадий
фильм 17-қисм.
21.15 Оҳанрабо.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс ва
тунги тароналар.
22.55 Кинотақдим.
23.15 «Ёшлар» телека-

налида премьера:
«Бўрилар орасидаги
ракс». Бадий фильм
1-қисм.
0.45-0.50 Хайрли тун.
**«Тошкент»
телеканал**
17.10 Кўрсатувлар
тартиби.
17.20 «Мультчархпа-
лак».
17.40 «Жаҳон геогра-
фияси».
18.10, 20.10, 20.50
«Экспресс» телегазе-
таси.
18.30 «Афиша».
18.50 «Эхтиром ила»
19.05 «Мисли гавҳар».
19.20 «Табриклаймиз-
кутлаймиз».
20.00 «TV мадад».
20.30 «Хусусийлашти-
риш: кадам-бакадам».
21.10 «Нима учун?»
21.40 Кинонигоҳ. «Зита
ва Гита». 1-2-
сериялар.
00.10-00.15 Хайрли
тун, шаҳрим.
**«Халқаро»
телеканал**
9.30 «Т. Полонская
билан бирга».
9.55 «Топ мюзик».
10.10 «Юзга бир».

10.55 Е. Петросяннинг
Кулгу панорамаси.
11.35 «Ишбилармон
кишилар».
11.55 «Хива». Теле-
фильм.
12.05 «Мангулик
сирлари». Ҳужжатли
фильм.
12.35 «Дисней-клуб».
13.00-14.00 Дўстлик
видеоканал: «Ўзбе-
кистон - умумий
уйимиз», «Умид».
16.00 Кўрсатувлар
тартиби.
16.05 «Билишни
истайман».
16.30 «Менинг ёшли-
гим». В. Мулявин
хотирасига бағиш-
ланган концерт
дастури.
17.00 Янгиликлар.
17.10 «Менинг ёшли-
гим». В. Мулявин
хотирасига бағиш-
ланган концерт
дастури (давоми).
18.20 «Ҳазил кетидан
ҳазил».
18.55 «Ким миллионер
бўлишни истайди?»
Телеўйин.
20.00 «Время».
20.25 «Оилавий

шароитга биноан».
Бадий фильм.
22.30 Ҳужжатли
фильм.
22.40 Нима? Қаерда?
Қачон?
00.05 «Ахборот» (рус
тилида)
00.35 «Тунингиз
осуда бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очи-
лиши. 9.05, 17.40,
20.45 «Телехамкор».
9.30 «Деннис-шумта-
ка». Мультсериал.
10.00 Болалар учун
фильм. 11.30 «Маъри-
фий дастур». 12.00
Оилавий кино. «Ос-
мондан берилган зар-
ба». 13.40 «Дискавери
соати». 14.30 Ҳинд ки-
носи. «Ўқшаш чехра».
17.00 Телеўйин. 18.10
«30-канал» кинооқшо-
ми: «Сирли сайл».
19.45 «Ошиқона». Му-
сикий дастур. 20.00
«Вовочка». Сериал.
20.30 «Клип-совға». Те-
летабрикнома. 21.05
«Қасос ўти». Сериал.
22.00 «30-канал» да ки-
нооқшом. «Новаро
оролли замбарақлари».
00.20 Мусикий дастур.

Yakshanba

25

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом,
Ўзбекистон».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак».
Болалар учун
кинодастур.
9.35 «Ҳаройибот».
10.00 «Ватанимга
хизмат қиламан».
11.00 «Она меҳри».
11.20 «Рақибингиз -
гроссмейстер».
11.30 «Бу турфа
олам». Телеальма-
нах.
12.20 «Кўхна замин
оҳанглари».
12.40 «Интеллектуал
ринг». Телеўйин.
13.20 ТВ 1 кинотеат-
ри: «Меҳрибон
одамлар». Бадий
фильм.
15.05 «Уй бекаси».
15.25 «Кувноқ
стартлар». Телему-
собақа.
15.55 «Қорақалпоқно-
ма».
16.15 «Леопольднинг

саргузаштлари».
Мультфильм.
«Болалар сайёраси»:
17.25 1. «Ўлғайиш
поғоналари».
2. «Олтин тож».
Телевизион ўйин.
18.25 «Талабалик
йилларим».
18.45 «Қалб гавҳари».
19.05 «Кўшиғимиз
Сизга армуғон».
19.25, 20.00, 20.25,
21.10 Эълонлар.
19.30 «Тахлилнома»
(рус тилида)
20.05 «Кўрсатувдан-
кўрсатувгача».
20.30 «Тахлилнома».
21.15 «Яхшилик».
Телешоу.
22.05 ТВ клип.
22.15 «Умид ниҳолла-
ри» спорт ўйинлари
яқунларига доир.
«Якшанба кинозали»:
22.35 «КиноТеатр».
22.55 «Аланга».
Бадий фильм.
00.35-00.40 Ватан
тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

7.55 Кўрсатувлар
дастури.
8.00 Давр тонги.
9.00 «Янги авлод»
студияси: Бўш
ўтирма, Келинг
танишайлик, Мульт-
фильм.
10.00 Очил дастурхон.
10.20 ТВ-анонс.
10.25 Оҳанрабо.
11.05 Қилни қирқ
ёриб. Интеллектуал
ўйин.
11.55 «ФИФА» (фут-
бол ичида, футбол
атрофида)
12.35 «Ёшлар телека-
налида ҳарбий-
ватанпарварлик
дастури: 1. Марди
майдон, 2. Аскар
мактублари, 3. Кутқа-
рув «050»».
13.30 Болалар экрани:
«Кулупнайнинг
туғилган куни».
Мультфильм.
13.55 Синфдош.
14.40 «Умр дафтари»
туркумидан: «Ойбек».
Видеофильм 1-қисм.
14.55 «Чархпалак».
Телевизион бадий
фильм 17-қисм.
15.40 Кўхна оҳанглар.

15.50 «Умр дафтари»
туркумидан: «Ойбек».
Видеофильм 2-қисм.
16.05 Кишлоқдаги
тенгдошим.
16.25 «Умр дафтари»
туркумидан: «Ойбек».
Видеофильм 3-қисм.
16.35 Лабиринт.
17.00 ТВ-анонс.
17.05 Кўрсатувлар
дастури.
17.10 «Янги авлод»
студияси: Уй вази-
фаси, Катта танаф-
фус, Мультфильм.
18.10 Спорт ҳафтано-
маси.
18.25 Оила тилсими.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр»-news.
19.20 «Давр» репор-
таж.
19.30 ТВ-анонс.
19.35 «Ниҳол» муко-
фоти соҳиблари
куйлайди.
20.00, 20.50, 22.30
Эълонлар.
20.05 «Чархпалак».
Телевизион бадий
фильм 18-қисм.
20.55 «Заковат»
интеллектуал ўйин.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр» ҳафта
ичида.

22.35 ТВ-анонс ва
тунги тароналар.
22.50 «Бўрилар
орасидаги ракс».
Бадий фильм 2-
қисм.
0.20-0.25 Хайрли тун.
**«Тошкент»
телеканал**
17.10 Кўрсатувлар
тартиби.
17.20 «Эртақларнинг
сехрли олами».
19.00, 20.10, 21.15
«Экспресс» телегазе-
таси.
19.20 «Табриклаймиз-
кутлаймиз».
20.00 «TV мадад».
20.30 «Жаҳон геогра-
фияси».
21.00 «Нима учун?»
гурӯҳи тақдим этади:
«Шунақа гаплар».
Ҳажвий кўрсатув.
21.35 Кинонигоҳ.
«Истеъдодли жаноб
Риппи».
00.35-00.40 Хайрли
тун, шаҳрим.
**«Халқаро»
телеканал**
9.05 Кўрсатувлар
тартиби.
9.10 Д. Криловнинг
«Йўлда ёзилмаган
кайждлари».

9.30 «Хамма уйдали-
гида».
10.05 «Дорихона
эшитида».
10.50 Премьера.
«Титаникка қайтиш».
11.20 «Кувноқ инглиз
тили».
11.30 «Кайфият».
Информацион дам
олиш дастури.
13.00 «Лаззат сехри».
13.30 «Фан тайм».
13.40 «Парле ву
франсе?»
14.05 «Хусусийлашти-
риш: кадам-бака-
дам».
14.25 FCN «Ўзбекис-
тон янгиликлари»
(инглиз тилида)
14.35-15.55 «Дўстлик»
видеоканал: «Ди-
дар», «Айдинлар»,
«Ватан сурӯри»,
«Корейс тилини
ўрганамиз».
17.00 Кўрсатувлар
тартиби.
17.05 Машҳурлар.
Брюс Ли.
17.50 «Ҳикоя».
18.10 «КВН-2003».
20.30 «Дунёга назар».
20.45 «Воқеа».
21.05 «Жаҳон рақсла-
ри».
21.25 «Тенгдошлар».

21.55 «Мухаббат
ракси». Бадий
фильм.
23.35 «Тахлилнома»
(рус тилида)
00.15 «Тунингиз
осуда бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг
очирилиши. 9.05, 11.30,
17.40, 20.45 «Теле-
хамкор». 9.30 «Ден-
нис-шумтака». Мульт-
сериал. 10.00 Бола-
лар учун фильм. 12.00
Оилавий кино. «Озод
бўлиб туғилган».
13.40 «Дискавери со-
ати». 14.30 Кундузги
кинозал. «Подмоско-
вье элегияси». 16.10
Дам олиш дастури.
16.40 Мусикий да-
стур. 17.00 Телеўйин.
18.10 «30-канал» ки-
нооқшоми: «Куёш
таъсири». 19.45
«Ошиқона». Мусикий
дастур. 20.00 «Агент-
лик». Ҳажвий сериал.
20.30 «Клип-совға».
Телетабрикнома.
21.05 «Қасос ўти». Се-
риал. 22.00 «30-
канал» да якшанба ки-
нооқшоми. «Жанг
майдони - Ер». 23.50
Спорт шарҳи.

Ташаббус

ХАФТАДА БИР
УЧРАШМОҚДАЛАР

Олмалик шаҳрида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан «Заковат» интеллектуал ўйини ташкил этилди.

Дастлабки учрашувда Навоий давлат кончилиги институти Олмалик шаҳар филиалининг талабалари 6:5 ҳисобида томошабинларни мағлубиятга учратишди. Бахсда 2-курс талабаси Дилфуза Абдурашидова энг яхши ўйинчи сифатида эътироф этилди.

Иккинчи тур беллашуви «Курувчилар» маданият уйида бўлиб ўтди. 18- ва 19-ўрта мактабларнинг юқори синф ўқувчиларидан иборат жамоалар иштирокидаги бу ўйинда ҳам аввалги натижа такрорланди: 6:5. Унда 10-синф ўқувчилари Хуршид Хуббаилов ва Ихтиёр Отакулов энг яхши ўйинчи номига сазовор бўлишди.

Ўқув йилининг охирига қадар 10 та жамоа беллашиши режалаштирилган.

Анжуман

Тошкент вилояти халқ таълими ҳодимларини қайта тайёрлаш ва мадакасани ошириш институтида «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамкорлигида «Абдулла Авлоний ва замонавий таълим» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

АВЛОНИЙ
МЕРОСИ
ЎРГАНИЛМОҚДА

Абдулла Авлоний таваллудининг 125 йиллигига бағишланган ушбу анжуманда иштирок этганлар бу маърифатпарвар шоир, драматургининг XX аср бошларида ёзиб кетган дурдона фикрлари, нодир асарлари ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаганлигини, улар ҳали кўп ёш авлодни тарбиялашда дастуриламал бўлажаклигини таъкидладилар.

Ўз мухбиримиз.

Кўрик-танлов

ПАРКЕНТДА
ҚЎШИҚЛАР
ЯНГРАДИ

Паркент тумани марказий маданият уйида «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди.

Танловда халқ таълими бўлими томонидан тавсия этилган 23 нафар иштирокчи Она-юрт мадҳини тараннум этувчи қўшиқлари билан қатнашдилар.

Қўшиқ байрами якунига кўра хушовоз хонанда Миржалил Мирақбаров ижросида янграган «Она халқим» қўшиғи биринчи ўринга лойиқ топилди.

Танловга ҳомийлик қилган туман агро-саноат ходимлари касаба уюшмаси, «Пахтабанк», «Тадбиркорбанк», «Халқ банки», туман «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ғолибларни рағбатлантирувчи қимматбаҳо совғалар билан тақдирладилар. Муҳими, ҳаваскор хонандалардан биронтаси ҳам совғасиз қолмади.

Абдузхур ҚОРАБОЕВ.

Тадбир



Ўзбекистон ХДП Ангрен шаҳар кенгаши кимё саноати коллежи раҳбарияти билан ҳамкорликда ёшларда фуқаролик масъулиятини шакллантириш мақсадида «Ёш парламентчилар мактаби»ни ташкил этди.

ЁШ
ПАРЛАМЕНТЧИЛАР
МАКТАБИ

Мактаб «Бўлғуси депутатлар» ва «Бўлғуси сенаторлар» бўлимларидан иборат. Ёш парламентчилар машғулотларда мамлакат Конституцияси, Олий Мажлис сессияларида қабул қилинган ҳужжатлар, парламентнинг Қонунчилик палатаси ва Ўзбекистон Республикаси Сенати тўғрисидаги Қонунлар, республика Президенти Ислам Каримовнинг нутқ, маъруза ва асарларида парламент, демократия, фуқаролик жамияти тўғрисида баён этилган қоида ва хулосаларга доир маърузалар тинглайдилар. Улар, шунингдек, амалий ўйинлар, семинар машғулотларида қатнашадилар. ХДПдан сайланган депутатлар, шаҳар ҳокимлиги раҳбарлари, партия етакчилари билан учрашувлар ҳам мўлжалланмоқда.

Мактабнинг биринчи машғулоти Олий Мажлисининг XI сессияси якуни, Юртбошимизнинг шу сессиясидаги нутқида қўйилган вазифаларга бағишланди.

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши матбуот хизмати.

18 май — Халқаро музейлар куни

МАЪРИФАТ МАСКАНИ

Ангрен ўлкашунослик музейи ташкил этилганига қирқ йилдан ошди. Шу-шу у шаҳарликлар ва меҳмонларнинг қадами аримайдиган маскан бўлиб келаяпти. Ёш кексалар унинг доимий томошабинлари ҳисобланишади. Улар шаҳарни бунёд этиш ва уни ижтимоий-иқтисодий тараққиётга оид кўрғазмаларни катта қизиқиш билан томоша қиладилар.



СУРАТЛАРДА: музей залларида.
Даврон АХМАД олган сураатлар.



Музей уч бўлимдан иборат. Табиат бўлимида шаҳар ва унинг атрофидаги бой ўсимликлар дунёси намуналари, ҳайвонлар тулуплари намойиш этилади. Яна бир бўлим эса, воҳанинг қадимги тарихидан ҳикоя қилади. Учинчиси, замонавий бўлимдир. Машхур, Ўзбекистон халқ рассоми Виктор Уфимцевнинг сураатлар тўплами ҳам шу ердан жой олган.

Музейнинг умумий фонди йил сайин кенгайиб бормоқда. Унда йиғилган экспонатлар сони 330 мингтадан ортиб кетди. Ўтган йили бу масканга деярли 60 минг нафар ангренликлар ва меҳмонлар ташриф буюришди. Турли хизматлар кўрсатиш йўли билан ярим миллион сўмликдан ортиқ сармоя топилди. Жорий йилнинг биринчи чорагида эса 165 минг сўм ишланди. Ҳозир музейда 24 нафар ходим ишламоқда, улардан 14 киши илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланади. Дилора Аппазова, Асия Аглымова, Любовь Илларионовалар бу ерда 20-30 йилдан бери самарали меҳнат қилиб келишмоқда.

Истеъмолчи

Юқорида қайд этилган қонуннинг 14-моддасида «Табиий монополия субъектлари реализация қилинган товарлар ҳақини тўламаётган истеъмолчиларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хизмат кўрсатишни рад этишга ҳақли»лиги кўрсатиб ўтилган. Шу билан бир қаторда қонуннинг «Табиий монополия субъектларининг мажбуриятлари» ҳақидаги 15-моддаси истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш учун қувватлар етарли бўлмаган ҳолларда унинг истеъмолчилар ўртасида тақсимланиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ тартибга солиниши белгиланган.

Шундан келиб чиқиб, электр қуввати билан таъминлаш ҳолатлари вилоят шаҳар ва туманлари бўйича тармоқларни ўчириш ва электр таъминотини чеклаш борасида «Ёйма» жадвали тузилган бўлиб, у туман ҳокими билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Аҳоли билан электр таъминоти корхонаси ўртасида тузилган шартномада бу жараёнинг узлуксизлиги кўзда тутилган бўлса-да, электр тармоқлари корхоналари ўз зиммасидаги мажбуриятни бажармаяпти. Натижада электр қувватини тасдиқланган жадвалдан ташқари «Вилоят электр тармоқлари» ҳиссасдорлик жамияти томонидан бир кечакундузда 3 соатдан 7 соатгача узиб қўйилиш ҳоллари юз бермоқда. Бунинг оқибатида истеъмолчилар ҳуқуқлари кўпол равишда бузилиб, аҳолининг барча қатламларида ҳақли эътирозлар туғилипти. Жумладан, Чиноз тумани Пахта кўргони аҳолисининг таъкидлашича, электр қуввати жадвал бўйича ҳафта-

нинг фақат пайшанба куни ўчирилиш ўрнига, бот-бот уззу кун бўлмаётир. Худди шундай ҳолатлар Амир Темур номли ширкат хўжалигида ҳам содир бўлаяпти. Айтайлик, нима учун Куйичирчиқ тумани электр тармоқлари корхонаси ўз абонентлари — истеъмолчиларни электр қуввати билан таъминлашида

ёқилиши «анъана» бўлиб қолганлигини қандай баҳолаш мумкин? Бундан ташқари, Беруний, Ҳамза, Абай номли, Меҳнатобод, Дўстлик маҳаллари ҳудудларида ҳам бир суткалаб электр қуввати бўлмай қолмоқда. Бу каби узилишлар оқибатида қанчадан-қанча хўжаликлар, қолаверса хонадон эгалари жабр кўра-

ТАЪМИНОТДАГИ
НОҚОНУНИЙ
УЗИЛИШЛАР

ёхуд вилоят шаҳар ва туманларида аҳолига етказиб
бериладиган электр қуввати нега меъёридан кўп
ўчирилмақда?

узилишлар тез-тез учраб турибди? Бундан ташқари, вилоят электр тармоғи ҳиссасдорлик жамияти топшириғига биноан ҳам электр таъминоти узиб қўйилмоқда. Жумладан, Чақмоқ маҳалласида электр қуввати бир ҳафта давомида деярли ҳар куни эрталаб соат 8.00 дан ўчирилиб, 17.00 да ёқилиши, яна кеч соат 20.00 дан ўчирилиб, тунги 4.00 да

дику, ахир. Шундай эмасми?

Қолаверса, таъминотдаги бундай «мақсадли узилишлар» барча хўжаликларга қимматга тушяпти. Шу жумладан, Янгийўл тумани «Чорвадор йўли» фермер хўжалиги электр ҳақини тўла тўлаган бўлишига қарамадан таъминотдаги узилишлар қорамолларнинг соғим ҳажми пасайиб кетишига сабаб бўлмоқ-

да. Шу каби тартибсизлик Янгийўл шаҳридаги «Айболит ва дўст» хусусий дорихонасида касса аппаратларининг ишдан чиқишига олиб келди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Бу сингари камчиликларга аниқлик киритиш мақсадида вилоят Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси томонидан электр тармоқлари ҳамда магистрал электр тармоқлари корхоналарида ўрганиш ўтказилган. Таассуфки, «Тошкент электр тармоқлари» ва «Магистрал электр тармоқлари» корхоналари ҳозиргача, электр қувватини ўчириш бўйича собиқ иттифоқ Энергетика ва электрлаштириш вазирлигининг 1981 йил 6 декабрдаги 310-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Электр қувватидан фойдаланиш қоида»га кўра иш қўриши аниқланди.

Вилоятдаги вазиятни ҳисобга олиб, «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси ва жойлардаги шўъба корхоналаридан етти тасида текширишлар ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги, «Табиий монополиялар тўғрисида»ги қонунларининг талаблари ҳамда «Шартномавий (эркин) нархларнинг шакллантирилиши ва қўлланиши тўғрисидаги Низом» талабларига риоя этмасликдан иборат бўлган қатор қонун бузилишлари аниқланди. Айбдорларга нисбатан жарималар қўлланилди.

Алдиёр БОЛҒАБОВ,
Вилоят монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси бош тафтишчиси.
Ҳасанбой САБДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Sport

Sport

Sport

«Умид ниҳоллари-2003»

БАҲСЛАР ҲАЛИ ОЛДИНДА



қизлари Навоий вилояти жамоасига қарши чиқишди. Бу ўйинда ҳам рақибларнинг кўли баланд келди 66:52.

Кўл тўпи беллашувларида терма жамоамиз йигитлари Наманган терма жамоаси билан баҳслашиб, сусткашлик қилишди: 22:20. Қизлар эса пешқадамликни кўлдан бой бермаган ҳолда қорақалпоқ қизларини 32:16

ҳисобда ютишди.

Миллионлар ўйинига айланган футбол мусобақасининг саралаш босқичида вилоятимиз ҳамда Самарқанд терма жамоаларига ҳеч қандай очколар насиб этмади.

(Давоми. Боши 1-бетда).

НАВОИЙДА РИНГГА ЧИҚАДИЛАР

Газетамизнинг аввалги сонида хабар берганимиздек, бокс бўйича терма жамоамиз аъзолари пойтахтимиздаги «Динамо» спорт мажмуида шу ойда Хитойда ўтадиган халқаро турнирга ҳозирлик кўришгаётган эди. Хитойда ғайриоддий зотилжам касалиги тарқалганлиги сабабли ўшбу турнир тўхтатилди.

Эндиликда вакиллари-мизни Хитой эмас, Навоий шаҳри кутмоқда. Чунки, бу ерда 25-31 май кунлари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Жексон хотира турнири бўлиб ўтади.

Ушбу турнирда Малайзия, Тожикистон вакиллари ҳам иштироки кўзда тутилмоқда. «Сўғдиёна» спорт клубида бўлиб ўтажак беллашувларга Давлат жисмо-

ний тарбия ва спорт кўмитаси, Навоий шаҳар ҳокимияти ҳомийлик қилади.

Яна бир гап. 4-13 июль кунлари Таиландда Жаҳон чемпионати ўтказилади. Шундай катта чемпионатда ҳам республикамиз, ҳам вилоятимиз номидан Рустам Саидов ва Икром Бердиев каби вакилларимиз рингга тушади.

Хуришда НАЗАРОВА.

«ДЎСЛАК» ВА «МЕТАЛЛУРГ» ҒАЛАБАСИ

Футбол бўйича мамлакат XII-

миллий чемпионатининг олий та-

бақасидаги жа-

моалар кўни кеча

навбатдаги сак-

кизинчи тур учра-

шувларини ўтказ-

дилар. Саккиз уч-

рашувнинг 6 таси-

да майдон эгалари, биттасида меҳмонлар

ғалаба қозондилар, бир ўйинда дуранг на-

тижа қайд этилди. Дарвозаларга жами

27 та тўп киритилди.



Вилоятимиз вакиллари «Дўстлик» ва «Металлург» учун бу тур омадли бўлди. «Дўстлик» ўз майдонида «Самарқанд-Д» жамоасини қабул қилиб, биринчи бўлимдаёқ рақиблар дарвозасига иккита тўп йўллади. Танафусдан сўнг эса жамоалар иккитадан тўп киритиб, ҳисобни 4:2га ўзгартиришди. «Дўстлик»-чилар олдинги турдаги йирик мағлубиятдан сўнг мухлислари олдида ўзларини оқлаб олдилар ва очколар сонини 14 тага етказиб, бешинчи ўринга кўтарилдилар. «Металлург» эса қўқонлик футболчилар билан баҳс юритди. Улар учрашувни 3:1 ҳисобида ғалаба билан якунладилар. Уларнинг тўплаган очколари сони эса 10 тага етди. «Металлург», «Андижон», «Машъал» ва «Навбахор» жамоалари бир хил очко тўплаб, еттинчи ўринни таллашиб туришибди.

Чемпионатда «Нефтчи» жамоаси 21 очко билан пешқадамлик қилмоқда. «Пахтакор» эса 19 очко билан иккинчи ўринда турибди.

Чемпионатнинг навбатдаги тўққизинчи тури 21 май, чоршанба кўни ўтказилади. «Дўстлик» ўз майдонида «Машъал» билан баҳс юритади. «Металлург» эса Қувасойда «Цементчи»га қарши майдонга тушади.

«ПЛАСТЕКС»НИНГ ҲИССАСИ

«Пластекс» хусусий корхонаси тумандаги етакчи тадбиркорлик тузилмаларидан ҳисобланади. Унинг жамоаси ишлаб чиқараётган турли хил пластмасса буюмларининг бозори чакқон бўлмоқда. Талабни ҳисобга олаётган корхона ишчилари маҳсулот ҳажминини муттасил кўпайтириб бормоқдалар. Уни тўла тасаввур қилиш учун иккита рақамни келтириб ўтиш ўринлидир. Ўтган йил давомида жами буюртмачиларга етказиб берилган маҳсулот миқдори 650 миллион сўмликни ташкил этган эди. Жорий йилнинг биринчи чорағидаёқ у 1 миллиард сўмликдан ҳам ошиб кетди. Айни вақтда маҳсулотнинг муайян қисми хорижга ҳам экспорт қилиняпти. 2002 йилда у 230 минг АҚШ доллари ташкил этган эди. Бу йил эса уни янада

(Давоми. Боши 1-бетда).

кўпайтириш назарда тутилмоқда. Биринчи чорак давомида 70 минг АҚШ долларилек маҳсулотлар чет эллардаги буюртмачиларга жўнатилди. Айниқса, уни Тожикистон тадбиркорлари кўплаб харид қилмоқдалар.

Корхона ўз фаолиятини бошлаган дастлабки йилда кўнига бор-йўғи 1 тонна маҳсулот ишлаб чиқарган эди. Ҳозирги кунда эса у 15 тоннани ташкил этмоқда. Зарур хомашёлар Жанубий Корея, Хитой ва Россия каби мамлакатлардан олиб келиняпти.

Жамоа кўраётган фойданинг бир қисmini турли хайрия тадбирларига ҳам ажратмоқда. Чунончи, у тумандаги 45-мактабга ўз ёрдамини аямапти. Яқинда бу билим даргоҳида таълим олаётган ёш авлод вакиллари 300 минг сўмлик турли спорт буюмлари ҳадя этилди.



СУРАТДА: ўқувчиларга совға топшириш пайти. Даврон АХМАД олган сурат.

Бир ярим асрлик жаҳон футбол тарихи зарварақларига турли мамлакатларнинг буюк футболчилари номи қайд этилган: футбол ватани Англияда Стэнли Метьюз ва Бобби Чарльтон, Бразилияда Пеле ва Гарринча, Аргентинада Марадона, Испанияда Альфредо ди Стефано, Россияда Лев Яшин.

Ўзбекистонлик мухлислар эса Биродар Абдураимовни ана шу футбол юлдузлари каторида эъзозлайдилар.

Тўп «СЕҲРГАРИ»



1994 йил ҳам Б. Абдураимов учун омадли келди. Шу йили Ўзбекистон терма жамоаси Мустақиллик Кубогини кўлга киритди ва Японияда ўтказилган XII Осиё ўйинларида голиб чиқди. Ўзбекистон терма жамоасининг буюк футболчилари Биродарнинг ҳам улкан ҳиссаси бор эди.

Ўзбекистонда 90 йил давомида жуда кўп оилалар сулоласи футбол ҳаётида иштирок этган, лекин, ҳеч қайсиси Абдураимовлар сулоласи каби шухратга эришмаган. Абдураимовлар сулоласи вакиллари чемпионат, кубок ўйинлари, халқаро учрашувларда жами 1000 дан ортиқ ўйинларда қатнашганлар.

Сулола отахони Биродар Абдураимов Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий, «Шухрат» медали совриндори, Чемпионат тўпурари (1968, 1972 йил) «Пахтакор» таркибиде 358 ўйинда қатнашиб, рекорд қўйди. Ўзбекистон Республикаси давлат спорт қўмитаси қарори билан Ўзбекистоннинг XX

У 1959 йилда катта футболга кириб келди. Эски шаҳардаги «Спартак» ўйингоҳи бир неча таниқли футболчилар учун мўтабар маскан саналади. Бу ердан Акмал Азизхўжаев, Лазиз Мақсудов, Ҳамид Раҳматуллаев ва улардан сўнг Биродар Абдураимов футбол алифбосини ўзлаштириб, катта майдонга йўланма олганлар.

Б. Абдураимов 1960 йилда 17 ёшида «Пахтакор»нинг асосий таркибидан жой олди ва биринчи бор Собик Иттифок биринчилигининг олий табақасида иштирок эта бошлади. У катта футболда 15 мавсум фаолият кўрсатди. «Пахтакор»дан ташқари Москванинг «Спартак» ва «МХСК» жамоаларида тўп суриб, 400 дан ортиқ ўйин ўтказиб, мухлислар диққат марказида бўлди ва уларнинг сеvimли ўйинчисига айланди. Биринчилардан бўлиб Валерий Лобановскийнинг «сухой лист»ини ўзлаштирди, химоячи ва дарвозабонларга ҳадик солди. Ўйинларда 100 дан ортиқ тўп киритиб, нуфузли Григорий Федотов клуби аъзолигига қабул қилинди.

Биродар Абдураимов Ўзбекистон олимпия ва миллий терма жамоаларида 25 га яқин тўп киритишга эришди. 1962 йилда «Пахтакор» чемпионати олтинчи ўринда якунлади. Шу муносабат билан, 19 ёшли Биродарга «Спорт устаси» унвони берилди.

Ханузгача унинг «бурама» тўпларини ашаддий мухлислар эсдан чиқарганлари йўқ. Биродар Абдураимов яшил майдонни тарк этгач, 1987 йилдан бошлаб тўрт мавсум «Пахтакор»да бош мураббий, жамоа бошлиғи вазибаларида фаолият кўрсатди, жамоани олий табақага олиб чиқди. Сўнгра, Наманганнинг «Навбахор» жамоасида бош мураббийлик қилди ва 1992 йилда Ўзбекистон Кубогини кўлга киритди.

асрдаги энг зўр футболчиси деб тан олинди. Унинг олти ўғлидан 4 нафари — Азамат, Жасур, Баходир, Ботир ота изидан бориб, футбол касбини танлаганлар. Барчаси катта футболга кириб келган. Азамат Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устаси, «Шухрат» медали совриндори, Осиё ўйинлари чемпиони бўлишга эришди. Ўзбекистон чемпиони ва кубок соҳиби, Саудия Арабистони чемпиони, Бангладеш чемпионатининг энг зўр тўпураридир. Чемпионатларда жами 600 га яқин ўйинда иштирок этган ва 250 дан ортиқ тўп киритган. XII Осиё ўйинлари финалида Жанубий Корея терма жамоасига киритилган ягона «олтин тўп» муаллифидир. Жасур, Баходир, Ботирлар эса катта футболда тўп суриб, мухлисларни ўз ўйинлари билан мафтун этмоқдалар.

Б. Абдураимов табаррук 60 ёшини нишонлаш арафасида яна бир буюк совға соҳиби бўлди. Миллий чемпионат ўйинларида 100 дан кўп тўп киритган футболчилар клуби энди «Биродар Абдураимов номидаги тўпурарлар клуби» номи билан юритиладиган бўлди.

Биродар Абдураимовнинг 60 ёшга тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Футбол федерацияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Пахтакор» футбол клуби, «Футбол академияси» жамғармаси ҳамкорлигида эртага, 18 май — якшанба кўни соат 16.00 да «Пахтакор» Марказий стадионида «Футбол-шоу» ўтказилади. Тадбир дастуридан ўзбек эстрадаси юлдузларининг чиқиши ва Ўзбекистон футбол фахрийлари ва жаҳон футбол фахрийлари учрашуви ўрин олган. «Футбол-шоу»дан тушган маблағ болалар футболни ривожлантиришга сарфланади.

Талғат ЮСУПОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг
футбол шарҳловчиси.

Bolalik bog'i

YO'LCHI VA OT

Bir otni o'tloqqa qo'yib yuborgan edilar. Ot o'tlab, istagan yerida chopib, sakrab o'ynab yurardi. O'tloqning chekkasidagi chuqurroq bir yo'ldan o'tib ketayotgan yo'lovchilarni ora-sira tomosha qilardi.

Bolalariga oziq-ovqat olib kelish uchun qishloqdan shahar bozoriga borayotgan yaxshi qalbli bir odam o'sha chuqurlikdan o'tayotganida, ot go'yo salom bergan kabi uning yoniga «hi-hi»lab keldi. U odam ham otning yuz-ko'zidan siypab, erkalab, yana yo'lida davom etdi.

Bir ozdan keyin qattiq ko'ngilli, qo'pol tabiatli bir odam ham o'sha yo'ldan o'tayotgan edi, ot «hi-hi»lab kishnab uning yoniga kela boshladi. Bu kishi bir tosh olib, otga qarata otdi, tosh uning boshiga tegib, yaraladi. Bechora ot yaralangan boshini quyi solib qochib ketdi.

Bu ikki odam shahar bozoriga yetgan vaqtlarida sel quyib, chuqurlikdagi yo'l suv bilan to'ldi. Yaxshi qalbli odam shahardan yumushini bitirib, qishlog'iga qaytarkan o'sha chuqurlik yoniga keldi, faqat qanday o'tish kerak? Suv tizzagacha chiqqan. Bu yerdan yo suvga tushib hamma libosini shalabbo qilib o'tish, yoki suvning oqib tamom bo'lishini kutish kerak edi. Buning ustiga suv ichiga tushib o'tsa shamollab qolishi ham mumkin. U kishi nima qilishini bilmay, hayron bo'lib turgandi. Shu payt boyagi otni ko'rib qoldi va darhol uni yordamga chaqirdi. Ot ham o'ziga yaxshi muomala qilgan bu odamni tanib yoniga keldi, uni ustiga mindirib suvdan o'tkazib qo'ydi. Yaxshi odam hech bir yeri ho'l bo'lmasdan suvdan o'tib ketdi.

Shu payt otni tosh bilan urgan qo'pol tabiatli odam ham kelib qoldi. Otning qilgan ishini ko'rib, bu ham uni yordamga chaqirdi. Ot bu odamni ham tanidi, ammo unga yordam berishni istamadi. «Hi-hi»lab kishnab, o'tloqning boshqa tomoniga qochib ketdi. Qo'pol tabiatli odam suvning oqib tamom bo'lishini kutib, u yerda qolib ketdi. Har kimning fe'lga yarasha, deb shunga aytadilar-da.

K. EGAMBERDIYEVA
tayyorladi.



Пойтахтимизнинг «Ибн Сино» маданият маркази ходимлари томонидан атоқли маданият ва санъат арбобларининг хотира кечаларини ўтказиш анъанага айланиб қолган.

Жумладан, Лутфихоним Саримсокова, Ботир Зокиров, Шу-

(Катталар учун эртақ)

Осмонун фалакда булутлар қуюқлашди. Ногаҳон томчилар булутдан ажралиб ерга туша бошлади. Уларнинг баъзилари қуруқликда, баъзилари эса катта сув ҳавзасида макон топдилар. Мақсадлари эса битта, буюк сув айланиш қонунига бўйсуниб, инсонга хизмат қилиш эди. Лекин уларнинг тақдири айро тушди, қисматлари ҳам турлича бўлди.

Қуруқликдагилари ерга шимилиб, ер ости сувлари-га қўшилди, қолганлари катта дарё оқими-га бўйсунди. Ҳаммаси рисоладагидекка ўхшарди. Аммо, ерда беркинган микроблар томчиларга илакишиб олдилар. Уларнинг мақсади инсонни заҳарлаш ва улар орасида касаллик тарқатиш эди.

Дарёдагилар эса ўзларига ўхшаб кўплаб томчилар билан бирга бўлдилар, яхши ният ила ўз вазифаларини бажариш ҳаракатидаги опа-сингилларининг ахволи ҳам яхши эмасди. Уларни бири-бирдан ажратишар эди. Баъзилари экинларни суғурса, баъзилари ташландиқ қўлмак сувларга қўшилдилар. Бу ҳам камдек томчиларни «қора тешиқлар» ўз домига тортиб кетар, у ерда покиза томчилар, ўзларини мой, оғир металл ва кислота деб атайдиганлар билан аралашиб яна дарёга қайтишар эди.

Опа-сингилларидаги бу ўзгаришни кўриб қолган томчилар ҳайрон эди. Сабаби бу кўринишда

улар ўз вазифаларини бажара олмасдилар. Улар «соф ҳолда» инсонга хизмат қилишлари керак эди. Бироқ ана шу салбий оқибатларга билиб-билмай инсоннинг ўзи сабабчи бўлаётган эди. Шунинг учун бўлса керак томчихонлар инсон томонидан қўрилган «Тозалаш иншооти» деб номланган бинони зиёрат қилишга мажбур эдилар. Томчиларнинг аждодлари бундай жойларни кўрмаган эдилар, албатта.

Нима бўлганда ҳам, томчиларнинг ҳаммаси ҳар томон тарқалишга мажбур. Айримлари кенг далаларга, баъзилари саноат корхоналарига йўл олишди. Бизнинг томчихонлар эса қоронғу қувурлар орқали узоқ йўл босиб, бир хонадонда қизчанинг қўлидаги пиёлада пайдо бўлишди. Лекин, баъзи томчилар хафароқ кўринардилар.

Сабаби, уларга ёпишиб олган кўринмас махлуклар ҳали ўз ниятларидан қайтмаган, кучини йўқотмаган эди...

Осмонун фалакда булутлар қуюқлашарди. У ердаги баҳс ҳар қачонгидан қизғинроқ кўринади. Томчиларнинг бир ғуруҳи яна пастга қайтишдан бош тортаётган бўлса, қолганлари тоғ чўққисига тушиб, ўша ерда абадий қолмоқчи. Лекин, улар ҳали бир тўхтамагача келишмаган ва табиатда эса сувнинг ҳали-ҳануз айланиши давом этарди. Бордию бир қарорга келишсачи?

Фарҳод МАҲКАМОВ,
Тошкент Давлат молия институти талабаси.

«БАҲОР»НИНГ ОНАХОНИ

кур Бурхонов, Тўхтасин Жалилов, Эътибор Жалилова, Муроджон Аҳмедов, Комилжон Отаниёзов каби машҳур санъаткорларга бағишлаб ўтказилган адабий-мусиқали тадбирлар томошабинлар қалбида ўчмас таассурот қолдирди.

Айниқса, Ўзбекистон халқ артисти, давлат мукофотларининг совриндори, машҳур раққоса ва балетмейстер Мукаррама Турғунбоевнинг ижодий фаолиятига бағишланган хотира кечалари кўпчилик санъат шинавандаларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Дарҳақиқат, Мукаррама опа «Андижонча», «Тановар», «Озодлик», «Муножот», «Катта ўйин», «Рохат», «Шаббодалар», «Жонон»,

«Ўхшайдику» каби қатор ўзбек халқ рақсларини юксак маҳорат билан ижро этишдан ташқари «Баҳор»дек оламга машҳур давлат рақс дастасини яратиб, ўзига хос ҳайкал қўйиб кетган буюк рақс санъати усталаридан ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам маданият маркази ходимлари ва «Умид» халқ фольклор-рақс дастаси студияси жамоаси шу кунларда устоз санъаткорнинг таваллуд топган кунига 90 йил тўлиши муносабати билан тадбир ўтказиш мақсадида алоҳида тайёргарлик ишларини олиб борди.

Машҳур санъаткорнинг серкира ижодий фаолиятига бағишланган анжуман «Мангу

барҳаётсиз, азиз ва мўътабар Мукаррама опа» деб аталди.

Ушбу анжуманда опанинг шогирдлари, кўзга кўринган маданият ва санъат арбоблари, Тошкент шаҳар жамоатчилиги вакиллари, шунингдек, хориждан келган меҳмонлар ҳамда «Ибн Сино» маданият маркази қошидаги «Умид» халқ рақс дастаси, «Абдулла» эстрада ғуруҳи, доирачилар, «Табассум» ҳажвий ёшлар театри бадиий ҳаваскорлик жамоалари иштирок этдилар.

Абдулла ҚУРБОНОВ,
«Ибн Сино» маданият маркази директори ўринбосари.

ЭНГ, ЭНГ, ЭНГ...

Аниқланишича, инсоннинг рўйхатга олинган энг узун умри 122 йил 164 кун экан. Франциялик Жанна Колмен худди шунча яшаган ва у 1997 йилнинг 4 августиди вафот этган.

Эркаклар бўйича энг узоқ умр кўрган япониялик инсон Ситеатё Ицуми ҳисобланади, у 120 йилу 237 кун яшаган. У 105 ёшгача ишлаган. Ицуми 1986 йилда вафот этган.

Эгизаклар бўйича виржиниялик Эли Шадрак ва Жон Мешак Фиппслар узоқ умр кўрган инсонлар ҳисобланишади. Улар 14 февраль 1803 йилда АҚШда туғилганлар. Энг биринчи бўлиб Эли 1911 йилда, 108 ёшида вафот этган.

Хужжатларда қайд этилишича, узоқ умр кўрган 123 ёшли Сара Кнаусс 1880 йил 24 сентябрда Холливудда унчалик катта бўлмаган шахтёрлар шаҳарчасида туғилган, ҳозир бу жой АҚШнинг Пенсилвания Хейзлтон қисми ҳисобланади. Қариялар уйда унинг 120 ёшга тўлган кунини 6 авлоди нишонлаган эди.

Тўловчи: Жаҳонгир ДОЛИЕВ.

Чиноз туманидаги Беруний номи 1-ўрта мактабнинг 9-синфини 1997-1998 ўқув йилида битирган Мадумаров Шарофиддин Жалолиддиновичга берилган O'R-D 715567 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Чиноз туманидаги Акмал Пўлатов номи 26-ўрта мактаб томонидан 1998-1999 ўқув йилида Арипов Фазлиддин Умарович номига берилган O'R 895663 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ангрен шаҳридаги 13-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2002 йилда Жумабоев Бахтиёр номига берилган 9-синфини битирганлиги ҳақидаги O'R-Z 1408209 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Қилмиш-қидирмиш

Қибрай тумани 2-сил касалликлари шифохонаси худудида тунги соат 21 ларда С. Бердикул ўзидан ўн ёш катта бўлган Ж. Алексей билан жанжаллашиб қолди. Тортишув муштумзўрликка уланди. Ҳар икки йигит ҳам ўзларини ҳақ билиб, бир сўздан қолишни эп кўришмади. Бердикул Ж. Алексейнинг кўкрагига пичоқ уриб, оғир тан жароҳати етказди. Тезкор ҳаракат туфайли С. Бердикул ушланиб, пичоқ ашёвий далил сифатида олинди.

Шунингдек, Янгийўл шаҳри Самарқанд кўчасида истиқомат қилувчи Б. Эрмат «Ниёзбош» ширкат

ЗУРАВОНЛАР

хўжалигида яшовчи Ш. Козимнинг бир оғиз гапини кўтаролмай қолди. «Сен эмас, мен» дея кўкрак кераётган Б. Эрмат Ш. Козимнинг кўкрак қисмига ўткир жисм билан уриб, оғир жароҳатлади. Натижада Ш. Козим касалхонага ётқизилди. Ҳар икки жиноий иш юзасидан тергов давом этмоқда.

Шерали АНВАРОВ,
Тошкент вилояти
Ички ишлар
бошқармаси матбуот
марказининг ходими,
милиция катта
лейтенанти.

СУВ ИЧМАЙДИГАН КАСАЛЛИК

Бир маст киши ҳамроҳига деди:

— Еган овқатим ошқозонда яхши ҳазм бўлиши учун тез-тез пиво ичиб тураман. Иштаҳам йўқолса, уни очиш мақсадида оқ вино истеъмол қиламан. Қон босимим пасайса — қизил вино, кўтарилиб кетса — қоньяк ичаман. Мабодо томоғим оғриб қолса — арокни маъқул кўраман.

— Сув ҳам ичиб турасанми? — сўради ҳамроҳи.

— Сув?! Йўқ, бунақа касаллик билан ҳали оғриганим йўқ.

Қулганга ҲИМА
Етсин!



Табиатдан завқ олиб...
З.ХОЛИҚОВ олган сурат.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСОЯ ДРАВА

Муассис
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:
Ҳатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар:
133-70-10, 136-53-80.

Манзилими:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат
матбуот қўмитасида 8 рақами
билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
таҳририяти компьютер
марказида терилди ва
саҳифаланди.

● Эълон ва билдирув-
лардаги факт ҳамда далил-
ларнинг тўғрилиги учун
реклама ва эълон берув-
чилар масъулдир.